

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

Kasb ta'limi fakulteti 5111017-Kasb ta'limi (iqtisodiyot) bakalavr
ta'lim yo'nalishi talabasi Bekmuratov Dilshodning

BITIRUV MALAKAVIY ISHI


Mavzu: «Agrar islohotlarning qishloq xo'jaligi korxonalarini ishlab
chiqarishi samaradorligiga ta'siri» mavzusini kasb ta'lim
texnologiyasi asosida o'qitish metodikasini yaratish

Rahbar:



O.J.Husainov

Maslahatchi:



Z.L.Botirov

Ish bajaruvchi:



D.S.Bekmuratov

«Himoyaga ruxsat etildi»

«KT va P» kafedrasini

mudiri 

Z.L.Botirov

« 19 » 06 2015-y.

«Himoya uchun DAK ga yuborildi»

«Kasb ta'limi» fakulteti dekan

muovini 

J.U.Shonazarov

« 21 » 06 2015-y.


QARSHI-2015 y.

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

Kasb ta'limi
Kasb ta'limi (Iqtisodiyot)

fakulteti
ta'lim yo'nalishi

«TASDIQLAYMAN»
«KT vad» kafedrası mudiri


(imzo)


Z.L. Botirov

« 08 » 12 2014-y.

Bitiruv malakaviy ishi uchun

TOPSHIRIQ

- Talaba Bekmurotov Dilshod Salimovich ga
1. Malakaviy ish mavzusi Sqozar islohotlarining qishloq xojaligi korxonalarida ishlab chiqarishni samaradorlashtirish ta'siri mavzusini kasb ta'lim texnologiyasi asosida o'qitish metodikasini yaratish institutning № 682/T buyrug'i bilan 04.12.2014-y. da tasdiqlangan.
 2. Malakaviy ishni topshirish muddati 15.06.2015-yil.
 3. Malakaviy ish uchun ma'lumot Prezident asarlari, ta'lim to'g'risidagi qonun, kasb-hunar kollejlari o'quv-ma'ruziy hujjatlari; san-texnika yutuqlari; o'quv adabiyotlari; internet yangiligi.
 4. Hisobiy izoh qismining mazmuni (ishlab chiqilishi lozim bo'lgan savollar ro'yxati) Kl'isik; fan va ma'ruzuning taraqqi'yi; o'qitish metodikasining umumiy masalalari; iqtisodiy iqtisodiy masalalar majmuasi; Nazariy dars o'tish metodikasi; Amaliy dars mashg'uloti metodikasi; BMT natijalari; b'ycha xalosa va takliflar; foydalanilgan adabiyotlar.
 5. Chizmalar ro'yxati (bajarilishi shart bo'lgan chizma va grafiklar)
 1. Sqozar islohotining korxonada o'ch samarasiga ta'siri,
 2. Qishloq xojalik korxonalarida ekinlar hosildorligi,
 3. Qishloq xojalik ekin tuzlari so. yoz maydoni,
 4. Dars mashg'uloti texnologik xaritasi va modeli,
 5. Kasb ta'lim texnologiyasi
 6. Malakaviy ish bo'yicha maslahatchilar O'qitish uslubiyati


Bo'yicha maslahatchi  Z.L. Botirov

7. Malakaviy ishini bajarilishi bo'yicha kalendar grafik

Haftalar soni	Malakaviy ish bo'limlari	Malakaviy ishning hajmi beti	Umumiy hajmga nisbatan %	Bajarilganligi to'g'risidagi belgi	Izoh
I.	Kirish; Fan va mazmuning ta'riflari	8	7,9	Bajarildi	Yaxshi
II.	O'qitish metodi kasbidagi umumiy masalalar	26	25,7	Bajarildi	Yaxshi
III.	Aktiviy-igti-sodiy masalalar majmuasi	41	40,6	Bajarildi	Yaxshi
IV.	Nazariy dars o'qitish metodikasi	8	7,9	Bajarildi	Yaxshi
V.	Amaliy dars mashg'uloti metodikasi	8	7,9	Bajarildi	Yaxshi
VI.	BMI natijalari bo'yicha xulosalar va ta'kidlar	6	5,9	Bajarildi	Yaxshi
VII.	Foydalanilgan adabiyotlar royxati	5	4,1	Bajarildi	Yaxshi
Jami		101	100		

Malakaviy ish rahbari  O. S. Husainov

Topshiriq olingan kun 08.12.2014-yil

Talaba  D. S. Bekmuratov

КИРИШ

“Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир”.¹

Бутун дунёда ва мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш – мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқот мавзуси танланди.

Битирув малакавий ишининг мақсадивавазифалари. Илмий-тадқиқот ишининг мақсади эркин иқтисодий муносабатлар шароитида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва ташкилий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, фойдаланилмаётган имкониятларини очиб бериш, ер-сув, механизация воситалари ва бошқа ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аниқ йўллари кўрсатиб беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг предмети. Илмий тадқиқот ишининг предмети бўлиб иқтисодиётни модернизация ва диверсификация йўналишида ривожланиш шароитида фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш, аграр ислохотлар ва ИТТ ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва уларнинг самарадорлиги ошириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишининг ҳуқуқий асосларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари,

¹Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир”, Халқ сўзи, 2015 йил 20 январь

Президент И.А.Каримовнинг қишлоқ хўжалиги иқтисоди масалаларига бағишланган асарлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалиги иқтисоди бўйича ўқув қўлланмалар, хориж ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг монография ишланмалари, шунингдек илмий изланишларнинг натижалари ҳамда матбуотда эълон қилинган мақола ва маълумотлар мазкур илмий тадқиқот ишининг ахборот базаси ҳисобланади. Битирув малакавий ишида илмий асосланган таклифлар, хулоса ва тавсиялар яхлит самара келтиришга қаратилган бўлиб, уларни қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятида қўллаш мумкин бўлади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот ишида келтирилган маълумотлардан, таклиф ва тавсиялардан барча фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва мутахассислари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари, ишлаб чиқариш воситаларини сотувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалиги иқтисоди билан шуғулланувчи ходимлар, фан-техника тараққиёти билан шуғулланувчи ходимлар, дон ва пахта толасига баҳо белгиловчи ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларига баҳо белгиловчи корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари, иш ҳақи тўлаш билан шуғулланувчи ходимлар, шунингдек, катта илмий ходимлар, магистранлар ва талабалар фойдаланишлари мумкин.

1. Фан ва мавзунинг тавсифи

1.1. Танланган мавзунинг долзарблиги

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектлар шаклланишига ва эркин мулкчилик муносабатларига эга бўлинди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг асоси бўлган бозор муносабатлари асосида ҳар қандай тармоқни ривожлантириш орқали юқори пировард натижага эришиш кўзда тутилган бўлиб, бу жараёнлар аграр тармоқда ўз самарасини бермоқда. Айниқса қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик муносабатлари, маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатларнинг кескин ўзгариши сабабли деҳқоннинг ишлаб чиқаришга ва мулкка эгаллик ҳисси янада ортиб бормоқда. Республика аграр соҳасида хўжалик юрителишнинг турли шакллари кооператив (ширкат), фермер, деҳқон хўжаликлари истиқболли деб тан олинди. Улар тўғрисида ҳукумат томонидан тўлиқ ҳуқуқий асос яратилди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатаётган субъектлар орасидан фермер хўжаликлари ўзининг бир қанча афзаллик томонларини кўрсатди. Бу эса бозор муносабатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги афзалликлари билан бугунги истиқболи йўналишимизга мос келмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган аграр ислохотлар ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётган меҳнат ресурсларига янги талаблар қўймоқда. Юксак малака ва билим, илмий фикрлаш ва тадбирли ишлаш соҳа тараққиётини белгилаб бермоқда. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни лозим топдик.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланади:

- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация йўналишида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг моҳияти ва асосий йўналишлари чуқурроқ очиб бериш;

- аграр ислохотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим омиллари ҳисобланган ер-сув, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга асосий эътибор бериб, тежамли хўжалик юрителиш ғояси илгари суриш;

- хўжаликлар барқарорлиги ва келажагини эътиборга олиб, интенсив хўжалик юритиш бўйича фикрларни ўртага ташлаш.

1.2. Мавзунинг ўқитишда танланган кейс таълим технологиясининг аҳамияти

Бугунги кунда кадрларни мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш таълимнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, унинг амалга оширилаётган иккинчи –сифат босқичида ҳар томонлама баркамол мутахассисларни тайёрлашга аохиди эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Агар болалар фикрлашга ўрганмаса, таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим ҳам керак. Аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”. Талабаларни ана шу бойликнинг эгаси қилиб тайёрлаш таълим тизимининг асосий вазифасини ташкил қилади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил- ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойдали бўлади - ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиш қобилиятига эга бўлади.

Жаҳон педагогикасида кенг миқёсда самарали қўлланаётган кейслардан фойдаланиш - биринчидан талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, иккинчидан ўқув жараёнини бевосита ишлаб чиқариш (бизнинг мисолимизда касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёни) билан боғлайди. Гербарт Спенсер таъкидлаганидек: ”Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки ҳатти- ҳаракатларга ўргатишдир”. Ёхуд, мавжуд таълим тизимида аксарият ҳолларда ўқитишдан мақсад, талабаларга билим бериш якуний натижа сифатида қаралса, жаҳон миқёсида эса, ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш таълимнинг якуний натижаси деб қаралишини эътироф этиш лозим.

Кейс-таълим технологиясини ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейслар ўз мазмунига қараб- микрокейс, миникейс ва умумий кейсларга, мақсади бўйича тактик ва стратегик кейслар каби турларга бўлинади.

Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш талабаларда қуйидаги зарурий сифатларни шакллантиради: критик фикрлаш қобилиятини ривожлантиради; ҳаққоний (объектив) бўлишга ўргатади; назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради; муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради; вазиятларни ҳал этишда, унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради; бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради; савол бериш маданиятини ўргатади; қабул қилинган қарор учун масъуллик ҳиссини тарбиялайди.

Битирув малакавий ишда касб-ҳунар коллежлари педагогик жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган ва муайян муаммони акс эттирувчи айрим кейс таълим технологиялари тавсия этилади.

Интерфаол ва ахборот технологияларининг ўқитиш жараёнидаги самарадорлиги жуда баланд. Интерфаол методлар ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, мустақил билим олишга, муаммолар ечимини излашга чорласа, ахборот технологиялари аниқ тасаввурларни шакллантиришга ёрдам беради. Шундай экан, касб-ҳунар коллежларида интерфаол методларни ахборот технологиялари уйғунлигида ташкил этиш бугунги кун долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни самарали қўллаш орқали олдимизга қўйган мақсадларимизга тез ва аниқ эришишимизда ёрдам беради.

2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари

2.1. Таълимда умумдидактик тамойиллар

Ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг асосий коидаларига таяниш кераклигини чуқур англаган ҳолда таълим жараёни учун қулай

шароитлар яратиш таълим олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу коидалар дидактикада уқитиш назарияси деб юритилади.

Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойиллар: таълимни илмий асосда ташкил этиш; унинг тарбиявий аҳамияти, мунтазамлиги ва изчиллиги; кургазмалилиги, мазмунининг уқувчиларга мос булиши; уқитишнинг фаоллиги ва онглилиги; билим, куникма ва малакаларни пухта узлаштириш ва ҳар бир уқувчига яқка тартибда ёндашишдан иборат бўлади.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш тамойили: уқувчиларнинг таълим олиш игларини фаоллаштирувчи, ақлий қобилиятларини устирувчи, уларни мустақил билдим олишга ургатувчи усулларни танлаш ва техникавий атамалардан фойдаланишга одатлантиришдир.

Таълимнинг тарбиявий характери: уқувчиларга касбий билим бериш, уларнинг ақлий усиши ҳамда дунёқарашининг шаклланиши учун шарпоит яратади.

Таълимни амалга оширишда уқитувчи уқувчиларга уз касбларига муҳаббат, онгли интизом, уз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлай билиш куникмаларини тарбиялаши лозим. Ҳар бир дарсдауқувчилар билим ва малакаларни эгаллашлари билан бирга уларнинг дунёқарашини ҳам шакллана бориши зарур. Дарслар шу мақсадга йуналтирилиши кеарк.

Кургазмалилик тамойили: урганилаётган ходиса ва нарсаларни жонли идрок этиш асосида узлаштиришни назарда тутлади.

Таълимнинг кургазмалилик тамойили уқув материалини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишни таъминлайди.

Таълим жараёнида кургазмали воситалардан тугри фойдаланиш уқувчиларнинг техникага оид билимларни пухта узлаштириш олишига, малакаларининг ошишига ёрдам беради.

Билимларни эгаллаш жараёнида нарса ва ходисаларни кузатиш, сезиш ва идрок этишнинг муҳимлигини ифодалаган Я.А.Коменский шундай ёзган эди: «Уқувчилар сезиб идрок этиши мумкин булган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, яъни қуиш мумкин булган нарсаларни куз билан қуриб,

эшитиш мумкин булган нарсаларни кулок билан эшитиб, хиди бор нарсаларни хидлаб куриб, ушлаб сезиш мумкин булган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак. бирданига куп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин булган нарсаларни, иложи борича, бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим. Болаларга билим бериш учун умуман ҳамма нарсага бевосита кузатиш ва сезгилар асосида укитиш керак».

Онглилик ва фаоллик тамойили таълими укувчилар илмий билимларни онгли, ижодий узлаштирадиган йусинда ташкил этишни кузда тутуди. Бунга эса укувчиларнинг дарс вақтидаги жуда фаоллиги билан эришиш мумкин. Бу тамойил ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий малакаларни онгли узлаштиришда, ундаги иш-харакатларни фарқлай билишда куринаса, амалий иопширикларни бажаришда мазкур тамойилнинг натижаси меҳнат усуллари тугри ва белгиланган вақтда бажарилишида, машинани бошқаришда педаль ва ричаглардан тугри ва тез фойдаланишда, билим ва малакаларни янги объектларга тез ва анки кучиришда намоён булади.

Малакаларни пухта узлаштириш тамойили. Бу тамойилга кура укитувчи амалий, лаборатория машғулотларининг самарадорлигини назорат қилиб туради. Малакаларнинг пухта узлаштирилишини таъминлаш мақсадида урганилган материаллар мунтазам равишда такрорлаб борилади, янги материални мустахкамлаш тартиблари кулланилади.

Таълимни дидактиканинг тамойилларига асосланган ҳолда ташкил этиш ёш кадрларни тайёрлашда, кутиладиган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Коллеж ўқув машғулотларига қўйиладиган талаблар

Коллеж таълим жараёни ўқув машғулотларининг турли-туманлигига қарамадан, уларнинг барчаси бир умумий талабларга жавоб бериши лозим. Уларга риоя қилиш таълимнинг самарадорлигини оширишга имкон беради. Бу талабларга қуйидагилар қиради.

1. Асосий таълим мақсадини аниқ ва равшан бўлиши. Бунга мазкур дарсни ўтказиш натижасида эришилиши лозим. Бу мақсад ўқитувчи томонидан фан бўйича дастур талаблари, дарсинг аниқ мазмуни ва унинг бошқа дарслар системасида тўтган ўрни асосида белгиланади. Ҳар бир дарсинг ўз мақсади бор. Бир дарсдан мақсад ўқувчиларни муаян билимлар билан қуроллантиришдан, иккинчи дарсда- шу билимларни мустаҳкамлаш, учинчи дарсда ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун шу билимларни тадбиқ этиш қўлқўлларини ҳосил қилишдан иборат бўлади.

Ўқитувчи асосий мақсад билан бирга у билан боғлиқ бўлган қўшимча мақсадни ҳам ажратиб қўйиши мумкин. Дарсинг сифати ва унинг самарадорлиги қўйилган таълим мақсадига эришиш натижаларига қараб баҳоланади.

2. Ўқитиш тарбияловчи характерга эга, шунинг учун дарсда ўқувчиларда эътиқод ва ахлоқий сифатларни шакллантириш ишлари ҳам олиб борилиши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тафаккури ва хотирасини, уларнинг диққат эътиборини, иродавий сифатларини ва бошқа шахсий хусусиятларини, шунингдек ўқув ва амалий фаолиятдаги билиш активлиги, ижодкорлиги ва мустақиллигини ривожлантириш юзасидан машқлар ташкил этади.

3. Умуман дарс учун ва унинг ҳар бир қисми ўқув материални тўғри танлаш. Бу ўқитувчи томонидан мавзунинг мазмуни ва урганилаётган масалани, дарсинг таълим мақсадини ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Меҳнат малакалари ва қўлқўлларини шакллантиришда шундай топшириқлар танлашга аҳамият бериш лозимки, бу топшириқлар ўқувчиларнинг мунтазам машқ қилиб туришини таъминласин. Ҳамма учун умумий бўлган материалдан ташқари ўқитувчи ва ўқувчиси ўқувчи ўқувчиларнинг масаласини янада чуқурроқ урганиши учун, бўш ўқийдиган ўқувчиларнинг билимидаги камчиликларни тўғатиш учун алоҳида топшириқлар ҳам танлайдилар.

4. Урганилаётган материални узига хос хусусиятини, дарснинг максadini, укувчиларнинг тайёргарлик даражасини, моддий базани ва укувувчининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда дарснинг ҳар бир босқичи учун энг максадга мувофиқ укувитиш методларини танлаш. Шу билан бирга дарсда укувчиларнинг активлигининг юқори булишини таъминлаш, уларнинг укув ва меҳнат топшириқларини мустақил бажаришини ташкил этиш, назарий материал устида ишлашни, билимларни куллашга доир машқлар билан кушиб олиб бориш кузда тутилган.

5. Дарсда укувчиларнинг коллектив ва шахсий ишларини тугри кушиб олиб бориш. Укувувчи дарсга тайёрланишида дарс олдида куйилган максад, унинг мазмуни, моддий база ва бошқа омиллар асосида дарснинг кайси қисмида укувчилар билан фронтал иш олиб боришни, кайси босқичида укувчилар бригада булиб ишлашларини ва кайси қисмида укувчиларни яққа топшириқларни мустақил бажариши йулга куйилишини аниқлайди.

Юқорида қайд этилган талабларни бажариш орқали миллий дастурда белгиланган таълим самарадорлигини яхшилашга эришиш мумкин.

2.3.Таълим жараёнининг метод ва методик усулларини танлаш

Таълим жараёнида янги материални билдириш укувувчи фаолиятининг асосий элементлардан биридир. Таълим жараёнининг бу звеносига укувчилар фаолиятининг куйидаги элементлари: билимларни идрок этиш, тушуниб олиш ва умумлаштириш тугри келади. Аммо укувчиларга укув материални билдиришни уни тушуниб олиш ва умумлаштириш билан боғлаш укувувчига узига тугри йул танлаши учун зарурдир.

Янги укув материални билдириш укувувчи ишидаги асосий масаладир.

Янги материални билдиришда, асосан, огзаки методлардан: огзаки баён этишдан (сузлаб бериш, тушунтириш, маъруза, суҳбатдан) укувчиларнинг китоб билан ишлашидан ва курсатма кулланмалар, диафильмлар, кинофильмлар, тажрибалар курсатишдан фойдаланилади. Аммо янги

материални билдириш ва бунинг натижасида укувчилар олинган билимларни идрок этиши, тушуниб олиши, дастлабки зарур умумлаштиришлар килиши кераклиги анъанавий методларни бошка методлар билан кушиб олиб боришни талаб этади.

Таълим жараёнида ўқув материални билдириш методини танлаш, урганилаётган материалнинг мазмуни, характери ва мураккаблигига, машгулотларнинг дидактик мақсадига, уқитиш воситалари бор – йуқлигига, укувчиларнинг дастлабки билимлари ва шу кабиларга куп жихатдан боглик. Касб-хунар мактабларидаги укув жараёнининг узига хос хусусияти шундан иборатки, укувчиларнинг назарий машгулотлари билан бир каторда катта хажмда ишлаб чиқариш таълими хам утказилади.

Нихоят укув материални билдириш методларини ва методик усулларини танлаш кўп жихатдан укувчилар идрок этиборга олинади.

Укувчиларни янги укув материални идрок этишга тайёрлашнинг мухим элементи, уларга дарс мавзусини ва дарсдан кузда тутилган мақсадни билдиришдан иборат. Дарс мавзусини урганилаётган укув материалнинг мохиятини, дарснинг мақсади эса укувчилар нимани ва кай даражада узлаштириш лозимлигини белгилайди. Мақсаднинг куйилиши укувчиларни уқутвчи баён этадиган материални уйлаш, анализ килиш ва умумлаштиришга, илгари олинган билимлар асосида янги билимларни мустакил излашга рахбатлантирмоги лозим. Хар бир дарс учун мақсад танлаш укув материалнинг аниқ мазмунига боглик.

Укувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш мақсадида кинофильмдан лавха намойиш килиб, уни изохлаб бериш, уларни илмий – оммабоп журналларнинг навбатдаги дарс билан боглик булган кизикарли материаллари билан таништириш, илмий – техникавий кашфийт ёки ишлаб чиқариш илгорлари кулга киритган ютуқлар тугрисидаги газетада босилган материаллардан мисол келтириш мумкин ва хоказо. Буларнинг хаммаси укувчиларни муайян тарзда тайёрлайди, уларнинг янги материалга кизикишини оширади.

Агар укувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлашни ички томондан эмас, балки ташки томонидан ҳам караш зарур. Укувчилар билимларни оптимал идрок этиш учун укув жараёни утказиладиган жойдаги санитария гигиена шароитлари каби факторлари ҳам (дарс бошланишидан олдин хоналарни шамоллатиш, оптимал даражани саклаб туриш, танаффус вақтида укувчиларни нормал дам олишини таъминлаш) хисобга олиниши керак. Укувчиларнинг “старт” ҳолатини таъминлаш учун дарснинг бошланишини аниқ ташкил этиш: укувчиларни жой-жойига утказиш, дафтар, китоб ва бошка керак яроқларини тахт килиб куйиш катта аҳамиятга эга.

Биринчи дарс ижобий эмоциялар ва фанга кизикиш ҳосил килиши керак. Шу сабабдан энг кизикарли фактлар танлаш ва энг самараи методик усуллардан фойдаланиш зарур. Укувчилар бундан кейинги машгулотлар янада кизикарли булишини кутишлари керак. Дарс материали бутун синф учун тушунарли булиши лозим. Бу ҳол барча укувчиларда кийинчиликларни энгиш имкониятларига ишонч ҳосил килади.

Укитувчи дарсда узини кандай тутиши жуда муҳим. Укувчилар сезиши мумкин булган ишончсизликка ҳатто жуда кичик бир ҳатонинг утказиб юборилишига йул куйилмайди. Шу сабабли укитувчи узининг ҳар бир усули, ҳаракати, сузини олдиндан тасаввур килиши учун биринчи дарсига жуда пухта тайёргарлик куриши лозим. Бу нарса, айникса, дастлабки дарсларни, одатда, ҳаяжонланган ҳолатда утказадиган укитувчиларга тааллуқлидир.

2.4. Ҷамонавий таълимда ахборот технологиялари

Педагогик олий ўқув юртлари ва университетларда бўлажак ўқитувчиларни мактаб ишига тайёрлаш тизимида янги ахборот технологияси билан қуроллантириш муҳим ўрин эгаллайди. Коллеж ўқитувчиси ишлаб чиқариш тараққиётининг келажаги, йўл-йўриқлари ва хусусиятларини билиши, шу билан биргаликда ўзи яшаб турган халқнинг анъаналари ва урф-одатларидан хабардор бўлиши лозим. Аҳолининг руҳиятини, ижтимоий,

ахлоқий, мафкуравий, ҳуқуқий, маиший, оилавий одатлари ҳақида янги ахборот олиб туриши ва буни ўз таълим тарбиявий ишларида фойдаланиши ахборот технологиясини вазифаларидан биридир. Бу янгича мазмун – ахборотларни ўқувчиларга маълум вақт чегарасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи омиллардан биридир.

Асосий эътибор ҳозирги замон талаблари асосида ишлай оладиган мактаблар, болалар боғчаларида ижодкорлик, изланувчанлик билан меҳнат қилиш, тажриба ва синовлар ўтказишдан чўчимайдиган, таълим соҳасидаги ислохотлар йўналиши ва моҳиятини чуқур англайдиган, ўз касбига садоқатли ўқитувчи ва тарбиячиларни тарбиялаб беришга қаратилмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини янги ахборотлар билан таминлаш орқали ривожланади.

Ахборот технологиясининг яна бир мақсади инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш билан бирга умумий эмас, аниқ бир шахс тарбиясига қаратилгандир. Яъни ҳозирги ҳар бир ўқувчининг ва талабанинг бошқа зарур сифатлардан ташқари мустақил, эркин, хур фикрли бўлиб вояга етишга бутун диққат эътибор қаратилган. Ҳозирги янги педагогик технология, таълим стандартлари, улар асосида тайёрланаётган дарсликлар ва қўлланмалар ўзининг мазмун-моҳияти билан ёшларнинг ана шундай мустақил фикрли қилиб тарбиялашга қаратилган.

Шу нуқтаи назардан «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янгиланиши табиий ҳол. Лекин мазкур қонунни олдинги қонундан фарқли равишда яна бир муҳим ҳужжат «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан биргаликда қабул қилиниши унинг аҳамиятини яна ҳам такомиллаштириб юборди. Чунки миллий дастурда таълим тизимимиз эришган муваффақиятлар, ҳал этилган муаммолар, таълимни ислоҳ қилиш, кўзда тутилган барча мақсад ва вазифаларни амалга ошириш батафсил ёритилган.

Замонавий ахборот технологияларидан таълим
tizимида фойдаланишдаги афзалликлар

Ахборот технологиялари ўқувчиларга ахборотни ноанъанавий манбаларига мурожаат қилиш имкониятини очиб беради

Мустақил ишлари самарадорлигини оширади ва ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун кенг имконият беради

Дидактик мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчиларга ўқи-тишнинг турли шаклларида фойдаланиш имкониятини беради

Ижодий изланиш ва биргаликда ишлаш, ўқув дастурларини энг мақбуллари танлаш имкониятларини яратади

Ўқувчилар ўзини ахборот билан таъминланганлик даражаларини оширади

Ўқувчиларнинг бугун дунёдаги ҳамкасблари билан мулоқот қилиш имкониятларни кенгайтиради

Ахборот технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчига қуйидаги қулайликларни яратади:

1. Замонавий ўқитишнинг янги ахборот технологиялари ўқувчиларга ахборотни ноанъанавий манбаларига мурожаат қилиш имкониятини очиб беради. Мустақил ишлари самарадорлигини оширади ва ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун кенг имконият беради.

2. Ўқитишнинг янги ахборот технологиялари кўйилган дидактик мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчиларга ўқитишнинг турли

шаклларида фойдаланиш имкониятини беради. Ундан фойдаланар экан, ўқитувчи компьютерлаштирилган ўқитиш ва назорат қилиш дастурларини ўз талабига кўра ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

3. Ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллаш орқали ўқитувчилар ўқувчи шахсини ривожлантириш, ижодий изланиш ва биргаликда ишлаш, ўқув дастурларини энг мақбулларини танлаш ёки янгиларини яратиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади.

4. Телекоммуникация тармоқларидан фойдаланишга асосланган янги ахборот технологияларини қўллаш натижасида ўқувчилар ўзини ахборот билан таъминланганлик даражаларини оширибгина қолмай, балки деярли бутун дунёдаги ҳамкасблари билан мулоқот қилишдек ажойиб имкониятга эга бўлади.

2.5. КЕЙС - СТАДИЛАР

Кейс услуги (ингл. *Case method* - кейс-услуг, *Case-study* - кейс-стади, аниқ вазият услуги, вазиятли таҳлил услуги) - реал иқтисодий, ижтимоий ва бизнес-вазиятларнинг тавсифларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир. Ўқувчилар вазиятни таҳлил қилишлари, муаммо моҳиятини тушунишлари, мумкин бўлган ечимларни таклиф этишлари ва уларнинг энг яхшиларини танлашлари керак. Кейслар реал вазиятга яқин бўлган материалларга асосланади.

Аниқ вазиятлар услуги ("Case-study" услуги) ўйинли бўлмаган имитацион фаол ўқитиш услублари қаторига киради. "Case-study" услубининг **мақсади** - талабалар гуруҳининг умумлашган кучи билан ишнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқадиган вазиятни, яъни аниқ иш жараёнида намоён бўладиган "Case"ни таҳлил қилиш, амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва уларни тақдимот этишдан иборат. Жараённинг тугаши - таклиф этилган вариантларни баҳолаш ва уларнинг ичидан энг самаралисини танлашдир.

"Case-study" услуги қуйидагиларни назарда тутеди:

-тижорат амалиётидан ёзма кўринишда тайёрланган кейсга мисол;

-кейсни талабалар томонидан мустақил ўрганиш ва муҳокама қилиш;

-аудиторияда ўқитувчи раҳбарлигида кейсни биргаликда муҳокама қилиш;

-"муҳокама жараёни ечимга қараганда муҳимроқ" тамойилига риоя этиш (ушбу услубнинг алоҳида хусусияти - реал ҳаётдан олинган далиллар асосида муаммоли вазиятлар яратишдир);

"Case-study" услуги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда вужудга келган ҳақиқий ҳолат (мезонлари)ни намойиш этади.

Ҳодисалар услуги. Бу услубнинг диққат марказида ахборот олиш туради.

Услубнинг мақсади - ўқувчиларни мустақил ахборот излашга, уларни ахборотлар билан ишлашга, тўплашга, тизимлаштиришга ва таҳлил қилишга ўқитишдир.

Ўқувчилар кейсни тўла бўлмаган ҳажмда оладилар. Маълумот: "... бўлди" ёки "... юз берди" каби ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ишнинг бундай шакли кўп вақт талаб этсада, уни ахборот олиш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнининг муҳим қисмини ташкил этадиган, амалиётга тахминан яқинроқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Ишчан корреспонденцияни кўриб чиқиш услуги («баскет» услуги). Услуб у ёки бу ташкилотда вужудга келадиган муаммоли вазиятга тааллуқли ҳужжатлар ва қоғозлар билан ишлашга асосланган. Ўқувчилар мавзу ва предметга боғлиқ равишда ўқитувчидан бир хил ҳужжатлар - тўпламли папка оладилар.

Ўқувчининг мақсади - "кирувчи ҳужжатлар" билан ишлашга масъул кишининг ҳолатига кириш ва у ўйлаган барча масалаларни ҳал этишдир. Услубдан фойдаланишга мисол сифатида илк манбалар ҳужжатларнинг катта миқдорини таҳлил қилишга оид иқтисод, ҳуқуқ, жамиятшунослик, тарих фанлари бўйича кейслар бўлиши мумкин.

Юкорида саналган учта услуб кейс-технологияси қаторидан жой олган бўлсада, биз қуйида "Case-study" хақида батафсилроқ тўхталамиз.

2.6. "Case-study" услубининг умумий тавсифи

Case-studies - ўқув машғулотида кейинчалик кўриб чиқиладиган далилли материаллар асосида махсус яратиладиган ўқув вазиятлардир. Бундай услубдан фойдаланиладиган машғулотларда ўқувчилар турли вазиятларни кўриб чиқадилар ва жамоада ишлашни, вазиятларни таҳлил қилишни, қарорлар қабул қилишни, мустақил фикрлашни, ўз-ўзларини танқид қилишни ва баҳолашни, ижодий фикр юритишни ўрганадилар.

"Case-study" услубининг ғояси (вазиятли ўқитиш услуби) етарлича содда:

1. Услуб фанлардан билим олишга мўлжалланган бўлиб, қўйилган саволга ягона жавоб эмас, балки унда бир неча жавоб бўлиб, улар ўзаро ҳақиқатлиги даражаси бўйича рақобатлашишлари мумкин; бунда ўқитиш вазифаси анъанавий схемадан буткул фарқ қилади ва ягона эмас, балки муаммоли майдонда кўп ҳақиқатларни ҳамда йўналишларни қамраб олишга қаратилгандир.

2. Ўқитиш урғуси тайёр билимларни олишга эмас, балки ишлаб чиқаришга, талаба ва ўқитувчининг ҳамкорликда ижод қилишига қаратилади. Ана шу ерда "Case-study" услубининг анъанавий услублардан тубдан фарқи - билим олиш жараёнида, талаба бошқа талаба ва ўқитувчи билан муаммони муҳокама қилишда тенг ҳуқуқлилигидадир.

3. Услубни қўллашнинг натижаси нафақат билим олиш, балки касбий фаолият малакаларини эгаллашдир.

4. Услубнинг технологияси қуйидагидан иборат: аниқ қоидаларга асосан реал ҳаётда намоён бўладиган ва талаба олиши керак бўлган билим ва амалий малакалар мажмуасида акс этадиган аниқ вазиятнинг модели ишлаб чиқилади; бунда ўқитувчи етакчи ролда, саволларни тайёрловчи, жавобларни белгиловчи,

мунозарани кўллаб-қувватловчи сифатида, яъни жараённинг бошқарувчиси ролида чиқади.

5. Вазиятли таҳлилнинг самараси нафақат билим олиш, балки талабани кадр-қиммат, касбий ҳолат, ҳаётий йўл-йўриқ, ўзига хос касбий дунёни сезиш ва дунёни ўзгартириш тизимини ривожлантиришдан иборат.

6. "Case-study" услубида анъанавий ўқитишнинг "қуруқлиги", материални баён этишнинг ҳис-туйғули бўлмаганлиги каби нуқсонлари, ҳис-туйғу, ижодий рақобат ва ҳатто кейс муҳокамасидаги театр спектаклидагига ўхшаб кетадиган кураш жараёни орқали тузатилади.

"Case-study" услуби - назарий билимларни амалий масалаларни ечишга кўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Услуб талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади. Ушбу услуб орқали талабалар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг рационал ечимини топишга ўрганадилар.

Ўқитишнинг интерфаол услубларидан бўлган "Case-study" услубидан талабалар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқ-далар; у талабаларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида "Case-study" услуби ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади.

Бизнесда бир қийматли тўғри ечимлар мавжуд эмас, деб тушунилади. "Case-study" услубининг моҳияти шундаки, унда ҳар бир киши ўзининг билими, тажрибаси ва сезгирлигига мос ҳолда ечим вариантини таклиф этади. Масалан, кимгадир компания раҳбарининг оилавий шароити муҳим ҳисобланмаса, бошқасига бу далил жуда муҳим ҳисобланиши мумкин.

Идеал аниқ вазият: аниқ бизнеснинг қизиқарли тарихи ёки ушбу бизнес тарихидан ўринли ҳолатдан; ечиш талаб этиладиган бошқотирма; тахлили эскирган ва кўшимча ахборот излаш талаб этадиган ахборотларнинг кўплиги; келажакда вазиятнинг давомини беришга қодир бўлган долзарб муаммо; энг асосий масала "назарияси" билан устма-уст тушадиган катта ёки кичик типик кейсда қўйилган муаммони ечишга туртки берадиган саволлар тўпламини ўз ичига олиши зарур.

Яхши кейс қуйидаги талабларни қаноатлантириши керак:

- қўйилган вазифанинг мақсадга аниқ мос келишини;
- мос қийинчилик даражасига эга бўлишни;
- иқтисодий ҳаёт йўналишларининг бир нечтасини намойиш этишни;
- жуда тез эскириб қолмасликни;
- ўтилаётган фан мавзуси орқали ечим топиш имкониятининг мавжудлигини;
- тахлилий фикрлашни ривожлантиришни;
- мунозара уйғотишни;
- бир нечта ечимга эга бўлишни.

Кейсни тақдим этишнинг мультимедиа имкониятлари ўзида матнли ахборот ва интерфаол видеонинг устунлиги имкониятини беради. Кейс - ягона ахборотли мажмуадир. Унинг учта тури бўлиши мумкин (1-расм): *а) чоп этилган кейс* (ўзига график, жадвал, диаграммалар, иллюстрацияларни олади); *б) мультимедиа* - кейс (сўнги вақтларда кенг тарқалган, лекин таълим муассасасининг техник жиҳозланишига боғлиқ бўлмаган) ва *в) видеокейс* (ўзига фильм, аудио-видеоматериалларни олиши мумкин. Унинг салбий томони кўп такрорлаш билан кўришнинг чегараланганлиги → ахборотларнинг бузилиши ва хатолар).

Case технологияси асосида ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни самарали бўлиши учун иккита асосий шарт: яхши кейс ва ундан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аниқ услубиёти зарур. Ушбу услубдан иқтисод йўналишида таълим олаётган талабаларни ўқитишда фойдаланиш ўрганилаётган фанга

қизиқишни ошириш, иқтисодий қонунларни тушунишни осонлаштириш имконини беради, қарорлар қабул қилишнинг тадқиқий, коммуникатив ва ижодий малакаларини ривожлантиради. "Case-study" услубининг ўзига хос *хусусиятларидан* бири, реал ҳаётдан олинган омиллар асосида муаммоли вазият яратишдир. Иқтисодиёт фанларини ўрганиш услуби сифатида яратилган "Case-study" услуби ҳозирги даврда тиббиётда, юриспруденцияда ва бошқа фанларни ўрганишда кенг қўлланилмоқда.

2.7. Кейсларнинг синфлари, турлари, жанрлари ва тақдим этиш усуллари

Кейсларни синфларга ажратиш турли усулларда бўлиши мумкин. Жумладан, кейслар мақсад ва ўқитиш жараёнининг вазифалари, тузилиши, ифодалаш шакли, ўлчами, мураккаблик даражаси, фан-лар, компания турлари, ҳудудлар ва бошқа томонлари бўйича синфларга ажратилади.

Мақсад ва ўқитиш жараёнининг вазифалари бўйича: намунали ва намунали бўлмаган муаммоларни ечишга ҳамда қарор қабул қилишга ўргатиш; вазият тамойиллари таҳлили ва баҳолашга ўргатиш; аниқ услубиётни, ёндашувни аниқ мисолда қўллашни, шунингдек, муаммони, ечимни ёки умуман концепцияни намоёни қиладиган *турларга* ажратиш мумкин.

Кейслар синфларига қарашлар:



2.1-расм. Кейс синфларига қарашлар.

Кейс синфлари шартли равишда икки: "далали" ва "ўриндикли" турларга ажратилади. Уларнинг биринчиси ҳақиқий омилли материалларга асосланган ҳолда, иккинчиси эса ҳаёлий яратилган бўлиши мумкин (2-расм).

Тузилиши бўйича: тузилмали кейслар (highly structured cases) -аниқ рақам ва маълумотли вазиятни қисқа ва аниқ баён қилиш. Бундай турдаги кейсларга аниқ сондаги аниқ жавоблар мавжуд. Улар аниқ билимлар соҳасидаги битта формула, кўникма, услубми, билим ёки кўникмани баҳолаш учун фойдаланишга мўлжалланган.

Катта тузилмага эга бўлмаган кейслар (unstructured cases). Улар катта миқдордаги маълумотларга эга бўлган материалларни ифодалайдилар, фикрлаш услуби ва тезлиги, асосийни иккинчи даражаликдан ажратиш кўникмаси ва аниқ иш соҳасидаги малакаларни баҳолаш учун мулжалланган, Улар учун бир неча тўғри жавоб вариантлари мавжуд.

Дастлабки очилган кейслар (ground breaking cases) жуда қиска, шунингдек, жуда узун ҳам бўлиши мумкин. Бундай кейслар ўқувчи (аудитория) ностандарт фикрлаши, ажратилган вақтда қанча креатив ғоялар бериши мумкинлигини кўриш имкониятини беради. Агар гуруҳий ечим бўлаётган бўлса, у ҳолда у "бегона фикрни илғай оладими, уни ривожлантира ва амалиётда фойдалана оладими" деган саволга жавоб беради.

Кичик хомаки ёзувлар асосий тушунчалар билан таништиради, билимларни тор соҳада (ўрганилаётган фаннинг бўлимида) қўллашни талаб этади.

Ифодалаш шакли бўйича: қоғоз кейслар; видеокейслар, мультимедиа кейслар.

Ўлчами бўйича: тўла кейслар (ўртача 20-25 бет) бир неча кун мобайнида жамоа бўлиб ишлашга мўлжалланган ва, одатда, ўз ечимининг тақдимотини жамоавий ишлаб чиқишга қаратади; қиска кейслар (3-5 бет) бевосита дарсда ишлашга мўлжалланган ва умумий мунозара, деб қаралади. Мини кейслар (1-2 бет), қиска кейслар каби аудиторияда муҳокама этишта мўлжалланган ва қисман дарсда бериладиган назарияга кўргазма сифатида қўлланилади.

Мураккаблик даражаси бўйича: мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун кейс, бошланғич синф ўқувчилари учун кейс, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун кейс, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари учун кейс, бакалаврлар учун кейс, магистрлар учун кейс, МВА дастури учун кейс, илмий тадқиқотчилар учун кейс, малака ошираётган тингловчилар учун кейс бўлиши мумкин.

Фанлар бўйича: бухгалтерия ҳисоби ва назорат; тижорат ва давлатлараро муносабатлар; рақобатли стратегиялар; тадбиркорлик; молия; менежмент; бошқарув; ташкилий хулқ ва сардорлик; кичик ва ўрта бизнес, хизматларни бошқариш; тижорат, педагогика, психология ва бошқалар.

Тармоқ бўйича: ТНК (трансмиллий корхона) кейслари, ҳудудий катта тижорат ҳақидаги кейслар; кичик ва ўрта бизнес ҳақидаги кейслар.

Худудлар бўйича: Шимолий-Америка кейслари, Европа кейслари, ривожланаётган давлатлар хақидаги кейслар ва иқтисодиёти ўтиш давридаги давлатлар хақидаги кейслар.

Кейсларни синфларга ажратишда кенг фойдаланилаётган ёндашувлардан бири уларнинг мураккаблиги бўйичадир. Ана шундай томонлари бўйича кейсларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал. Кейсларнинг синфлари

Ўқув вазиятлари -кейслар	Мақсади
Иллюстратив	Аниқ бир амалий мисолда талабалар аниқ бир вазиятда тўғри қарор қабул қилиш алгоритмига ўргатилади
Муаммо ифодаланган	Аниқ вақт мобайнидаги вазият тавсифланади, муаммо аниқданади ва аниқ ифодаланади.
Муаммо ифодаланмаган	Олдинги вариантдагига қараганда, мураккаброқ вазият тавсифланади, унда муаммо аниқланмаган бўлиб, у статистик маълумотларда, жамоат фикри, ҳокимият органлари ва бошқаларнинг баҳоси орқали тақдим этилади
Амалий машқлар	Аниқ пайдо бўлган вазият тавсифланади, ундан чиқиш йўллари топиш тавсия этилади. Бундай кейсларнинг мақсади муаммони ечиш йўлини излашдан иборат

Кейслар турли-туман шаклда: бир неча жумладан тортиб, кўплаб саҳифалар шаклида тақдим этилиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, катта кейслар кичикларига қараганда, айниқса, дастлабки фойдаланиш мобайнида, талабаларга қийинчилик туғдириши мумкин. Кейс бир ташкилотдаги бир ҳодисани ёки кўп ташкилотларнинг кўп йиллар мобайнидаги ривожланиши тарихини ўз ичига олиши мумкин. Кейсларни тақдим этишнинг аниқ меъёри мавжуд эмас. Одатда, кейслар чоп этилган ёки электрон кўринишда тақдим этилади. Лекин, кейсларда расм, диаграмма, жадваллардан фойдаланиш уларни талабаларга кўргазмалироқ кўрсатади. Охириги пайтларда матнли ва интерфаол

видеотасвирларда такдим этилаётган мультимедиа кейслар кенг оммалашмоқда.

Кейс субъекти ким бўлишига қараб: шахсга (аниқ шахслар, менежерлар, сиёсатчилар, раҳбарлар иштирок этадилар) йўналтирилган, ташкилий-институционал (бунда ташкилот, уларнинг бўлимлари қатнашади) ва кўп субъектли (бир неча иштирокчи субъектлар бўлган) кейсларга ажратиш мумкин.

Кейслар амалий, ўргатувчи ва илмий-тадқиқотли бўлиши мумкин. *Амалий кейсларнинг* асосий мақсади ҳаётий ҳолатни синчиклаб, тўла акслантиришдан иборат. Бундай кейслар вазиятнинг амалий, яъни "ҳаракатланувчи" номли вазият моделини яратади. Бундай кейснинг ўқув вазифаси ўқувчиларни тренинга, бундай вазиятда қарор қабул қилиш билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга мўлжалланади. Бундай кейслар имкон қадар кўргазмалли ва ҳижжаланган бўлиши лозим. Уларнинг энг асосий маъноси ҳаётни билиш ва муқобил фаолиятга кўникишни эгаллаш. *Ўргатувчи кейслар* ҳаётнинг вазифаларини бирга бир акс эттирмайди: *биринчидан*, у ҳаётда кўп учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида учрайдиган типик вазиятни акс эттиради; *иккинчидан*, ўргатувчи кейсларда, биринчи ўринда, ҳаётни акс эттиришнинг шартли элементи бўлган ўқув ва тарбиявий вазифалари туради. Бундай кейслар жамиятнинг аниқ лавҳасини тушунишга камроқ имконият беради. Лекин у, албатта, шундай лавҳага ёндашувни шакллантиради. У типик вазиятни қуришга имконият беради ва олдиндан аналогияни қўллаган ҳолда, вазиятни таҳлил қилиш қобилиятини аниқлайди.

2.8. Кейснинг тузилиши ва уни яратиш тамойиллари

Кейсларни яратишни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Кейснинг дидактик мақсадларини шакллантириш. Бу босқич кейснинг ўқув предметидаги ўрнини, ушбу вазият тегишли бўлган предмет бўлимини

аниқлашни; мақсад ва вазифаларни шакллантириш; талабаларнинг билими, кўникмаси ва малакасига "жавобгарлик зонасини" аниқлашни ўз ичига олади.

2. Муаммоли вазиятни аниқлаш.

3. Матнга жойлаштириладиган асосий тезислардан иборат кейснинг дастурий харитасини яратиш.

4. Кейснинг дастурий харита тезисларига бевосита алоқадор институционал тизимни излаш (корхона, ташкилот, идора ва ҳоказо).

5. Кейснинг дастурий харита тезисларига нисбатан институционал тизимда ахборот йиғиш.

6. Таълим муассасасининг фаолиятини акс эттирадиган вазиятнинг моделини яратиш ёки танлаш.

7. Кейс жанрини танлаш.

8. Кейс матнини ёзиш.

9. Кейснинг тўғрилиги ва самарадорлиги ташхиси; кейснинг самарадорлигини аниқлаш учун у ёки бу схема бўйича тузилган услубий ўқув тажрибани ўтказиш.

10. Кейснинг охириги вариантини тайёрлаш.

11. Кейсни амалиётга жорий этиш, уни ўқув машғулотларини ўтказишда кўллаш, профессор-ўқитувчилар орасида оммалаштириш мақсадида чоп этиш; агар ахборот аниқ бир корхонанинг маълумотларидан олинган бўлса, у ҳолда мос корхонадан чоп этишга рухсат олинishi зарур.

12. Кейсдан фойдаланиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш: талабаларга вазифалар ва музокара олиб борилиши учун мумкин бўлган саволларни ҳамда кейс тақдимотларини, талаба ва ўқитувчиларнинг кейсни муҳокама қилиш вақтидаги кўзда тутилган ҳаракатларнинг тавсифини ишлаб чиқиш.

Кейс:

- қизиқарли, содда ватушунарли тилда ёзилган бўлиши;

- «драматизм»дан ва муаммоликдан фарқланиши; муаммонинг "ўзагини" равшан аниқлаши;

- ижобий ҳам салбий мисолларни кўрсатиши;

- танланган талабалар контингентининг талабларига мос келиши, зарурий ва етарли ахборот миқдорини ўз ичига олган бўлиши зарур.

Кейснинг **формати** ва тузилишига талаблар:

Мазмунли қисм - вазият ривожланадиган доирани тушунишга имконият берадиган ахборотни ўзига олган вазиятни, маълумотларни олиш манбаини кўрсатган ҳолда тавсифлаш;

- кейс ишлаб чиқишда асос бўлган реал мавжуд вазиятнинг мавжудлиги;

- корхона номи, маҳсулот номи, маҳсулот тавсифи, унинг хусусиятлари;

- асосий иштирокчилар тўғрисида маълумотлар (исми, шарифи, лавозими ва ш.к.лар);

- ушбу соҳада (маҳсулот, истеъмолчи, ишлаб чиқувчи, тақсимлаш ва хоказо бозор ҳолатининг тавсифи); бош рақобатчининг муҳокамаси (уларнинг стратегияси, бозордаги ҳолати, маркетинг сиёсати ва тақсимоти);

- корхонадаги ишларнинг умумий ҳолати, унинг заиф, кучли томонлари; тадбиркорлар ва ҳамкорлар; бошқарув стратегияси; бошқарув гуруҳидаги асосий шахслар; ишлаб чиқариш амаллари, маҳсулотлар ва жараёнлар; корхонанинг молиявий ҳолати; маркетингли ахборот, ишчиларнинг ўзаро муносабатлари.

Иловаларга нисбатан: иловасиз кейс ҳамда махсус иловали кейслар турлари мавжуд.

Ахборотли қисм - ҳодисаларни тўғри тушуниш имкониятини берадиган ахборот:

- корхонанинг ривожланиш босқичлари, ривожланиш тарихидаги муҳим онлар, ютуқлар ва муваффақиятсизликлар;

- корхонанинг ишлаш услуби, раҳбариятнинг бошқариш услуби;

- муаммонинг қисқача тавсифи, имкони борича турли нуқтаи назарлар (ҳодисаларни турли иштирокчилар қандай кўришлари)ни келтириш керак;

- ҳаракатларни ёки таъсир этадиган омилларни кўрсатган ҳолда вазият ривожланишининг аниқ хронологияси, имкони борича уларнинг ўзаро

таъсири натижаси баҳоланиши керак;

- муаммони ҳал этиш бўйича мўлжалланган ҳаракатлар (агар шундай мўлжаллар бўлса), улар қандай натижа берганлиги ҳақида маълумот;

- ушбу вазиятни ечиш учун қандай ресурслар ажратилиши мумкинлиги.

Услубий қисм - ушбу кейснинг ўқув предметидаги ўрнини аниқлайди, кейсни таҳлил қилиш бўйича талабаларга мўлжалланган вазифаларни ва ўқитувчи учун аниқ вазиятни ўқитиш бўйича ёзувни шакллантиради.

Услубий қисмнинг турига кура - саволли кейс ва кейс-вазифаларга ажратиш мумкин.

Кейс мазмунли ва ахборот қисмларига нисбатан мустақил равишда (ахборот иловага ўтказилиши мумкин), шунингдек, аралашган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай кейсда унинг кимларга мўлжалланганлиги ва вазифаси аниқ ифодаланган бўлиши зарур.

Юқорида таъкидлангандек, кейс видео, аудиоматериаллар, электрон ташувчилардаги материаллар ёки ихтиёрий бошқа материалларни ўз ичига олиши мумкин.

Материални тақдим этиш усули бўйича кейслар: ҳикоя, эссе, аналитик варақа, мухбир текшируви, ҳисобот, очерк, далиллар тўплами, статистик материаллар тўплами, ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари тўпламларидан ташкил топган бўлиши мумкин.

Талабаларга кейсларнинг матнлари, иловалар, мумкин бўлган саволлар CD дискларда ёки қоғозларда тарқатилади. Уларга ўқитувчининг ёзуви берилмайди. Ўқитувчиларга мўлжалланган ёзувларда кейс муаллифлари вазиятларни ишлаб чиқиш бўйича тавсияларни беришлари, уларнинг калити, шунингдек, тавсия этилаётган машғулотни ўтказиш услуги баён қилиниши керак.

Ҳар қандай кейсни ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқ муҳим босқичлари (одатда, кейсни ўқитувчи ёзади) қуйидагилардир:

I босқич. Кейс мақсадини аниқ ифодалаш (яхши таниш бўлган корхона бўйича, менежерлар томонидан корхона ичида ходимлар билан ишни ташкил

этиш учун фойдаланиладиган, унинг коммуникациясини тавсифлаб, кейс ишлаб чиқиш; талабалар томонидан турли кўринишдаги коммуникация (турли даражадаги мажлислар, йиллик ҳисобот, корхонанинг ички газетаси, эълонлар, учрашувлар-брифинглар ва хоказо)ларни ўзлаштириш имкониятини берадиган саволлар ва вазифаларни ишлаб чиқиш).

II босқич. Кўйилган мақсадни реал вазиятга ёки ташкилотга мослаштириш.

III босқич. Кейс учун ахборот манбаларини излаш бўйича дастлабки ишлар (ўқув - услубий материаллар, журнал мақолалари, газетадаги мақолалар, статистик тўпламларни таҳлил қилиш) ни амалга ошириш.

IV босқич. Турли манбалардан фойдаланган ҳолда кейс учун ахборот ва маълумотларни тўплаш.

V босқич. Тақдим этиладиган кейс материалларининг дастлабки вариантини тайёрлаш, макет, материални жойлаштириш, тақдимот шакли (видео, чоп этилган ва бошқа)ни аниқлаш.

VI босқич. Кейсни чоп этишга руҳсат олиш.

VII босқич. Кейсни муҳокама қилиш ва уни синовдан ўтказиш олдида хамроҳларнинг эксперт баҳосини олиш. Баҳолашнинг натижаси кейсга ўзгартиришлар киритиш ва яхшилаш билан тугаши мумкин.

VIII босқич. Кейсдан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш. Талабаларга вазифалар ҳамда мунозара ва тақдимот учун мумкин бўлган саволларни ишлаб чиқиш, талабалар ва ўқитувчининг кейсни муҳокама этаётган вақтда содир бўладиган ҳаракатларини тавсифлаш.

Зарурат бўлганда кейсни соддалаштирилган вариантда ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, иқтисодиёт фанидан кейс ишлаб чиқиш учун:

- мавзуни, яъни, ушбу кейс камраб олган муаммонинг табиатини танлаш;
- "ташкилот-кейс"ни ўрганиш;
- ташкилотда вазиятни танлаш;
- ахборот тўплаш;
- кейсни таҳрир қилиш;

-текшириш ва якуний таҳрир қилиш каби босқичларни амалга ошириш мумкин.

Кейсларни ечишни қуйидаги *беш босқичда* амалга ошириш таклиф этилади:

I босқич - вазият ва унинг хусусиятлари билан танишиш.

II босқич - асосий муаммо (муаммолар)ни ажратиш, реал таъсир этиши мумкин бўлган омиллар ва шахсларни ажратиш.

III босқич - "Ақлий ҳужум" учун концепциялар ёки мавзуларни таклиф этиш.

IV босқич - у ёки бу қарорни қабул қилиш оқибатини тақлил этиш.

V босқич - кейсни ечиш - бир ёки бир нечта вариантларини (ҳаракатлар кетма-кетлигини) таклиф этиш, пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиш ва ечиш.

2.9. Машғулотларда масофавий таълимдан фойдаланишнинг педагогик асослари

Ўқитишда замонавий компьютер ва ахборот технологияларининг қўлланилиши ўқув машғулотларининг самарадорлигини янада оширади, ўз навбатида ўқитувчини ҳам, талабани ҳам ижодий изланишга ундайди. Бунда ўқитувчига ўқув жараёнида ўзи тайёрлаган ёки мавжуд электрон дарсликлардан, мультимедиядан ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланиш имконияти, талабага эса мавзу ҳақида кўпроқ маълумотлар олиш, электрон кутубхонадан, Интернет хизматидан фойдаланиш каби катта имкониятлар яратилади. Ҳозирги кунда ҳар бир мутахассисдан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини билиш ва уни амалиётга қўллай олиш талаб қилинмоқда. Шу соҳанинг етакчи олимлари таъбири билан айтганда, «Ахборот технологияси машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ижтимоий-иқтисодий йўналишларда, мустақилликни мустаҳкамлашнинг мададкори бўлиб хизмат қилиши керак».

Мустақилликни мустаҳкамлаш масаласи билан ахборотлаштириш борасидаги диалектик боғлиқликни чуқур тушуниб етиш жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник муаммоларини ҳал этиш йўл-йўриғини тўғри танлаш имконини ойдинлаштиради.

Ҳар бир фан (предмет) ёки унинг категорияларини ўрганишда инфор­мацион технология ва масофадан ўқитиш усулларини тадқиқ этишни замон талаб қилмоқда. Масофавий таълим бу масофадан туриб ўқишдир, бунда ўқитувчи ва ўқувчи бир-биридан макон орқали ажралган бўлади.

Масофавий таълим замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини ишлатишга асослангандир, у кўп мақсадли, шу жумладан, ҳар хил социал гуруҳлар ва аҳоли қатламлари фойдалана оладиган, таълимий-касбий дастурларни амалга оширишга имкон беради. Алоқа, техник воситаларининг, аниқроғи, телекоммуникацияларнинг ўсаётган имкониятлари компьютер телекоммуникацияларини масофавий таълимнинг технологик асоси сифатида ишлатилишига сабаб бўлмоқда. Масофавий таълим ҳар хил моделларининг афзалликларини қуйидаги факторлар кўрсатади:

- Ихтиёрий ҳажмдаги, ихтиёрий турдаги (визуал, товушли, статик, динамик, матнли, графикли) ахборотни ихтиёрий масофага зудлик билан узатиш имконияти;
- Бу ахборотни компьютер хотирасида керакли вақт давомида сақлаш, таҳрирлаш, қайта ишлаш, чоп эттириш ва ҳ. к. ларнинг мумкинлиги;
- Фаол мулоқот мақсадлари учун махсус яратилаётган мультимедияли ахборотлар ва тезкор тескари алоқалар ёрдамида интерактивлик имконияти;
- Ҳар хил ахборот манбаларидан, шу жумладан, узоқдаги, тарқоқ маълумотлар базасидан, Интернет тизими орқали бутун дунё анжуманлар маълумотларидан фойдаланиш;

Масофавий таълим учун телекоммуникация асосларининг афзалликлари, айниқса Интернет имкониятларидан фойдаланилганида кўринади.

Глобал тармоқларнинг ривожланиши олимлар ва педагоглар учун ахборотлар билан ишлашда тубдан янги ҳолни яратди: аввал чекланган ахборот манбаларидан зудлик билан фойдаланиш имконияти туғилди. URL (Universal Resource Locator-универсал мурожаат) тушунчаси пайдо бўлди. Энг замонавий WWW каби компьютер коммуникациялари воситалари бу тушунчани ҳисобга олади ва дарсликларни ўқиш жараёнини анча соддалаштиради.

Маълумотларни қайта ишлаш маълумотларни ЭҲМга киритишни, қандайдир мезонларга ва параметрларга кўра маълумотларни танлаб олиш, маълумотлар таснифини ўзгартиришни, маълумотларни ЭҲМнинг ташқи хотирасига жойлаштиришни, маълумотларни чиқаришни ўз ичига олади. Маълумотларни бошқариш-бу тизимнинг муваффақиятли ишлаши учун керакли ишларни амалга оширишдир.

Коллеж таълим жараёнида «Масофадан ўқитиш тизимидан» фойдаланилса, ўқувчилар фан ва техника соҳасидаги янгиликлар, бугунги кун воқеа ва ҳодисаларидан ўз вақтида хабардор бўладилар. Бундан ташқари ўқувчилар мустақил ўқиш, янги мутахассисликлар бўйича билим ва малакаларга эга бўлиш ва гувоҳнома олиш каби имкониятлардан унумли фойдаланадилар.

Қуйида мен таълим самарадорлигини оширишдаги интернет янгиликларидан намуна келтирдим.

ИНТЕРНЕТ ЯНГИЛИГИ

ТАЪЛИМНИ КЕЙС ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ РЕЖАЛАШТИРИШ

http://ziyonet.uz/uzc/library/searchby=library&offset_query

16.05.2015 йил

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, агар талабаларнинг кейси хал қилиш технологияси икки технологик босқичдан иборат бўлса, таълимий мақсадларга эришишда янада кўпроқ самара олиш мумкин: *биринчи босқич* – кейси хал қилиш бўйича *индивидуал (аудиториядан ташқари)* иш, *иккинчи босқич* – кейс билан *биргаликда жамоа бўлиб (аудиторияда)* ишлаш.

Биринчи босқич – кейси хал қилиш бўйича индивидуал иш ҳисобланиб, у талабалар мустақил иш фаолияти доирасида яқка тартибда ва жамоада талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, кейс билан биргаликда ишланади.

Талаба мустақил равишда кейс материаллари билан танишади, тақдим этилган вазиятни ўрганади, изоҳлайди ва асослайди, муаммо ва муаммо ости муаммоларни ажратади, вазиятни таққик ва таҳлил қилиш усулларини танилайди ва берилган амалий вазиятни таҳлил қилади. Ажратилган муаммони хал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди ҳамда тақлиф этиладиган қарорни амалга ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.

Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, кейс билан биргаликда ишлаши гуруҳ аъзоларининг вазият, асосий муаммолар ва уларни хал этиш йўллари ҳақидаги турли тасаввурларини қелишиб олинишида замин яраталади. Ечимнинг тақлиф этилган вариантларини муҳокама қиладилар ва баҳолайдилар, қўйилган муаммо нуқтаи назаридан ушбу вазият учун энг мақбул вариантни танилашади. Бунинг учун муаммоли вазият ечимига олиб келадиган танланган ҳаракатлар йўлини амалга оширишнинг аниқ қадамба-қадам дастурини багафсил ишлаб чиқадилар ва тақдиротта тайёрланади ва намойиш этиладиган материал талабалар томонидан режалаштириш орқали амалга оширилади.

Кейси ечиш натижаларини кичик гуруҳлар томонидан тақдиротини ўтказиш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади. Бунда талабалар муаммоли вазият ечимининг ўз вариантини тақдирот этади, танланган ҳаракатлар йўлини изоҳлайди ва унинг оқилоналигини асослайди. Бундан ташқари талабалар бошқа гуруҳлар қатнашчилари саволларига жавоб беради ва ўз тақлифларини аниқлаштиради.

Жамоа билан кейс устидан ишлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади. Гуруҳлар тақлиф этган ечимлар вариантлари муҳокамаси ўтказилади ва экспертлар гуруҳи томонидан уларнинг уларнинг ечимлари баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади. Шунингдек тақлиф этилган ечимларнинг аниқлиги ва амалга оширилиши мумкинлигига биргаликда (талабалар ва ўқитувчи) баҳо берилиши ҳам мумкин.

Кейс – технологияларни лойиҳалаштириш

Ўқитувчи ҳаракатларининг изчиллиги:

- Ишчи дастури асосида ўқув машғулоти шакли, турини ва вақтини белгилайди (семинар/амалий машғулот).
- Ўқув машғулоти мақсадини ифодалайди, ўқув машғулотида кутиладиган натижалар ва педагогик вазифаларни белгилайди.
- Таълимнинг оптимал моделини танилайди - белгиланган вақтда ва қарор топган шароитларда қўйилган мақсаднинг амалга оширилишини ва прогноз қилинадиган ўқув натижаларига эришини кафолатлайдиган оптимал таълим услублари, шакллари ва воситалари мажмуидир.
- Ўқув вақт, кейс ҳажми ва танланган таълим моделини иноватта олиб ўқув машғулотининг технологик чизмасини ишлаб чиқади.
- Моделни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни белгилайди: ўқув вақти, аудиториядаги талабаларнинг эҳтимоллий сони; аудиториянинг гуруҳлардаги

таълимни ташкил этиш, ТТВ ва компьютер технологияларидан фойдаланиш учун имкониятлари.

- Мониторингни таъминлайдиган тескари алоқа усуллари ва воситаларини белгилайди.
- Таълимдаги ютуқларни оралиқ ва якуний баҳолаш усуллари ва воситаларини белгилайди.
- Лойиҳалаштириш фаолияти натижаларини жадвал шаклида чизмалаштиради.

Ташланган таълим моделидан ва ўқув машғулотининг лойиҳалаштирилган тузилиши асосида ўқитувчи таълим технологиясини режалаштиради. Ўқув машғулотиде таълим технологиясини режалаштириш техновологик харита кўринишида амалга ошириш мумкин.

Ўқув машғулотининг технологик картасига қуйидагилар киреди :

- талабалар билимларини долзарблштириш учун саволлар;
- талабалар ўқув иши жараёнида амал қилини лозим бўлган йўриқномалар, қондалар (масалан, аклий ҳужум қондалари);
- ўқитувчи таълим жараёнида қўлланадиган чизмалар, жадваллар ва бошқа визуал материаллар;
- мунозарани ўтказиш учун қўшимча саволлар ва бешкалар.

Бу ўринда тақдим этиладиган материаллар ҳажми чекланмайди. Лекин улар сизимли, яхши тузилмалашган ва график жиҳатдан чизмалаштирилган бўлиши керак

Талабаларнинг кейсда кўриб ўтилган масалалар бўйича ўқув ахборотларини эгаллаши амалий вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир машғулот самарадорлигини белгиловчи омилардан биридир. Шу сабабли кейс билан ишлаш ўқув мавзуси тугалланганида ёки уни ўрганиш давомида ўтказилади –ҳаммаси кейс турига, шу жумладан унинг мақсадлари ва иш муддатларига боғлиқ бўлади.

Ўқув в услубий материалларнинг тайёрланиши

Ўқув машғулотига тайёргарлик жараёнида қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва талабаларга таклиф этиш мақсадга мувофиқдир:

- талабалар билимларини катъий маънавий тизимга солиш учун назарий ахборотларнинг чизмалар, жадваллар, тузилмалашган ифодалар шаклидаги қисқача баёнини ўз ичига оладиган ўқув материаллари;
- мустақил ва гуруҳли ишлаш жараёнида амалий вазиятни таҳлил этиш ва ечишга ёки ечиш алгоритмига доир йўриқномалар;
- аклий ҳужум, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдиротлар қондаларига эга плакатлар/варакалар;
- «Муаммо ечимининг устувор ғоясини баҳолаш ва таълаш техникаси» бўйича йўриқномаси ;
- ўқув машғулотиде талабаларнинг мазмуни фаоллигини, кейси ёзма ечишни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари;
- Кичик гуруҳларда талабаларни ишлаш жараёнини ўзаробаҳолаш матрицаси.

Ўқитувчининг тайёрланиши. Кейс-стади амалиётини ўтказувчи ўқитувчи машғулотга олдий тайёрланишдан ташқари қуйидагиларни ҳам бажаради:

- вазиятни пухта таҳлил қилади, муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва уни ҳал қилиш учун талабаларга таклиф қилиниши мумкин бўлган бир неча моделларни тайёрлайди;
- вазият ечими бўйича талабалар таклиф этадиган вариантларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқади.
- муаммони ечиш бўйича ўзининг вариантини тайёрлайди.

3. Иқтисодий ижтимоий масалалар мажмуаси

3.1. Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти

Мамлакатимиз иқтисодининг барча соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам 2013-2014 йиллар улкан ютуқларга бой бўлди. Жумладан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 2013 йилда 8 фоизга ўсиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди, яъни 2013 йилда 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 9 та лойиҳа бўйича 5334,6 млн сўмлик ёки 143,6 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. Изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилди. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди.

Халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди. Натижада аҳоли жон бошига сабзавот ишлаб чиқариш 283,2 кг, картошка 76 кг, полиз 50,8 кг, мева 76,9 кг ва узум 43,2 кг. га тўғри келмоқда. Бу эса тиббий талаб меъёрига нисбатан 1,5–2,5 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда жами 71 минг 652 та фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларга 5 млн. 854 минг 789 гектар ер майдонлари ижарага берилган, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келган ўртача ер майдони 81,7 гектарни ташкил этмоқда. 2013 йилда 18 минг 346 та фермер хўжаликларида қўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 1525 та фермер хўжалигида қорамолчилик, 679 та фермер хўжалигида паррандачилик, 711 та фермер хўжалигида балиқчилик, 695 та фермер хўжалигида асаларичилик йўналишлари ташкил этилди ҳамда 446 та фермер хўжалигида 2,4 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 1365 та фермер хўжалигида 5527 гектар майдонда маҳаллий боғлар ва 999 та фермер хўжалигида 4,5 минг гектар майдонда янги токзорлар барпо этилди.

2013 йил деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Улкан хирмонга 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлар ҳисобланади.

Юртбошимизнинг фермер хўжаликлари қишлоқларимизнинг таянч устунидир, дея таърифлагани бежиз эмас. Бу борада кўп тармоқли фермер

хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда.

Маълумки, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди. 2013 йилда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича жами 227,5 млрд сўмлик бюджет маблағлари ажратилиши мўлжалланиб, ушбу маблағлар 100 фоиз ўзлаштирилди. Натижада мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланган 12387 та фермер хўжалигининг 352122 гектар майдонида пахта ҳосилдорлиги 2 ц/га. га ошди. Биргина ўтган йилги мелиорация тадбирлари натижасида келгусида 260 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Юртбошимиз ўз маърузаларида айтиб ўтганидек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликлари мазкур дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши лозим.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилгани эътиборга моликдир. Жумладан, биргина кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш натижасида қишлоқ жойларда 90,9 мингта янги иш ўринлари яратилди. Қишлоқларимиз тобора чирой очиб бораётгани, аҳоли учун барча

кулайликларга эга уй-жойлар қурилатгани нафақат мамлакатимиз аҳли, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриб ишга туширилди. Хусусан, 2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир. Жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва 6 та устувор вазибалари вазирлик ва тизимдаги барча корхона, ташкилот ҳамда муассасалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ресурсрежамкор агротехнологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини

пасайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш ҳамда шартномавий-иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

2014 йилда амалдаги баҳоларда 36 трлн. 957 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб (дастлабки маълумотлар), 2013 йилга (30 трлн. 849,4 млрд. сўм) нисбатан қиёслама баҳоларда 106,9 фоиз ўсишга эришилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тизимида таққослама баҳоларда 125,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 2013 йилга нисбатан 97,2 фоизни ташкил қилди, шундан ГЭСлар кўрсаткичисиз 53,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2013 йилга нисбатан 118,4 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, вазирлик тизимида 26 млрд. 439,2 млн. сўмлик халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарилиб, прогноз кўрсаткичи 105,3 фоизга бажарилди ва 2013 йилга нисбатан 105,6 фоиз ўсишга эришилди.

“Мамлакатнинг 2014 йилда товарлар ва хизматлар экспорти дастури” 113,2 фоизга бажарилди. Лимит доирасида давлат бюджетидан 484 млрд. 957,7 млн.сўм, (2013 йилда 461 млрд. 888,8 млн.сўм, 105,0%) ҳажмдаги капитал маблағлар ўзлаштирилиб, шундан 462,0 млрд. сўмлик (2013 йилда 444,3 млрд. сўм) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2014 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2069-сонли қарорига мувофиқ республика Ҳукумати кафолати остида Манзилли дастурлар доирасида вазирлик томонидан амалга оширилаётган 15 та хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 70,07 млн. доллар маблағ жалб этилиб, 75,64 млн. доллар (100%) ҳажмдаги (2013 йилда 82,02 млн. доллар) инвестициялар ўзлаштирилди.

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича 2014 йилда жами 272,1 млрд сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилиши мўлжалланиб, ҳисобот даврида ушбу маблағлар тўлиқ

ўзлаштирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига амалга оширилган мелиорация тадбирлари натижасида 295,6 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги ПҚ-2120-сонли “2014-2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори асосида ҳисобот даврида тизим корхоналари томонидан 9 та лойиҳа бўйича 6388,0 млн. сўмлик, (прогнозга нисбатан 150,5 %) маҳсулот ишлаб чиқарилди (2013 йилнинг шу даврида 9 та лойиҳа бўйича 5334,6 млн. сўм). Жумладан: “Ўзмахсуссувтаъмиртаъминот” ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан 1 млрд 378,9 млн сўмлик 19 дона 4А-400У-4 630 кВт 1500 об/мин 6 кВт қувватдаги электродвигателлар; “SUVMASH” очик акциядорлик жамияти томонидан қиймати 2 млрд. 940,6 млн. сўм бўлган 496 дона “ЭЦВ 10-160-35МК” ва 56 дона “ЭЦВ 8-10-60МК” русумидаги электр насос агрегатлари ҳамда 5 дона Д2500-62 русумидаги насослар; “Тошкент электродвигатель” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан 5 та лойиҳа бўйича қиймати 2 млрд 68,5 млн сўм бўлган 59 дона турли русумдаги электродвигателлар ишлаб чиқарилди.

VII Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тизимдаги сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари томонидан мамлакат саноат корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича 47,1 млрд. сўмлик 353 та (2013 йилда 37,3 млрд. сўмлик 417 та) шартномалар тузилиб, уларга асосан жами 47,1 млрд. сўмлик, 100 % (37,6 млрд сўм) маҳсулот харид қилинди. Шунингдек, экспортга маҳсулот чиқариш бўйича 8 млн. 692,0 минг АҚШ доллари миқдорида шартномалар тузилиб, уларга асосан 9,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (йиллик прогнозга нисбатан 113 %).

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан касаначилик асосида жами 26 та, (прогнозга нисбатан 104,0 %) ишчи ўринлари яратилди.

Умуман олганда, аграр соҳада олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли қуйидаги натижаларга эришилди:

- қишлоқ хўжалигида хусусий мулк устуворлиги таъминланиб, турли хўжалик юритиш шакллари юзага келди;

- қишлоқ меҳнаткашларининг ер, мулк ва ўзи етиштирган маҳсулотга эгаллик қилишини кафолатловчи иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асослар яратилди;

- аграр соҳада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни тизимли амалга ошириш моделлари шаклланди;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг бозор муносабатларига мос механизмлари амалиётга жорий қилинди;

- республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига қондириш, энг асосийси, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилди;

- қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини молиялаштириш, кредитлаш, нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти ва бошқа йўналишларда бозор тамойилларига мос механизмлар жорий қилинди;

- аграр соҳада устувор йўналиш сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш стратегик жиҳатдан самарали йўл деб белгиланди.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг кўламли ислоҳотлар истиқболда соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлиги ва юртимиз ободлигини янада юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Зеро, юртимизда соҳани ривожлантириш учун яратилган кенг имкониятлар ва эришилган натижалар бундай хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Иқтисодий самарадорлик даражаси қандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигини билдиради. Самара қанча катта ва харажат шунча кам бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самардорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг мутлақ миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар миқдорининг камайиши ва уларни тежаш – иқтисодий самара шаклида кўринади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади. Мезоннинг илмий тушунчаси маълум бир белги, баҳо ўлчовини ифодалайдиган асосий сифати унинг муҳим хоссасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги мезони жамиятга керак бўлган ер майдони бирлигидан чиқадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг олинishi, шу билан бир қаторда, ишлаб чиқаришнинг тежамлилиги ва юқори сифатини таъминлашдир.

Кўрсатилган мезон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадига - тармоқ маҳсулотига аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга жавоб беради ва унинг ютуқлари йўлини - ишлаб чиқариш ресурсларида оқилона фойдаланиш ҳамда интенсивлаштириш асосида тизимли равишда ишлаб чиқаришни пасайтиришни аниқлаб беради. Шу билан бирга бу мезонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти энг аввало, ер ресурслари билан мустаҳкам алоқасини акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида самара ва ресурсларнинг босқич даражасига қараб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги турларга бўлинади: халқ хўжалиги, тармоқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги, давлат, кооператив корхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжаликлари самарадорлиги, айрим қишлоқ хўжалик тармоқлари ва маҳсулотлари самарадорлиги, алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари, шунингдек, алоҳида хўжалик тадбирлари – агротехник, зоотехник, ветеринария, техника,

иқтисодий-ташкилий муносабатлар ва бошқаларнинг самарадорлиги аниқланади.

Халқ хўжалиги самарадорлиги озиқ-овқатга бўлган истеъмолни ва саноатнинг хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тармоқ умумдавлат, халқ хўжалик топшириқлари ва муаммоларини ҳал қилишда молиявий ҳиссаси нуқтаи назаридан баҳоланади. Тармоқ самарадорлиги ресурслар потенциалидан фойдаланишда, халқ хўжалигининг шу тармоғида самара (натижа) ва ресурс (харажат) ўртасидаги эришилган нисбатнинг натижасини акс эттиради. Давлат ва кооператив корхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тармоқ самарадорлиги бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш самарадорлиги деҳқончилик, чорвачилик ва шу тармоқлар маҳсулотлари ғалла, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқаларнинг пировард иқтисодий натижаларини тавсифлайди.

Янги шароитда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнида амалга ошириладиган турли хўжалик тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш анча муҳим ҳисобланади. Бундай тадбирлар жумласига экин майдонларининг турли таркиби, қишлоқ хўжалигининг янги навлари, илғор технология ва алоҳида агротехник тадбирлар (тупрокни ишлаш, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа усуллар) ҳайвонларнинг янги зоти, пода тузилмаси, озиқлантириш рационали ва бошқаларнинг самарадорлиги киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизимининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимига асослаш, турли хусусиятда иқтисодий самарани ўлчаш ҳамда турли хусусиятдаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги туфайли фарқ қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннарни ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом ашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга. Масалан, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа - истеъмол қиймат яратиш нуқтаи назардан; товар маҳсулот-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни қондириш нуқтаи назаридан; соф маҳсулот (ялпи даромад) такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони - истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуқтаи назаридан тавсифланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдорига эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом ашёси сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга имконият яратади.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайтими маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига сарфланган жами меҳнат

харажатларининг самарадорлигини тавсифлайди. Ер қайтими қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Фонд қайтими қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатларидан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Материал қайтими барча турдаги моддий ресурслардан, шу жумладан, буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Маҳсулот бирлиги таннархи умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни тавсифлайдиган бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутлақ самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидир. Масалан, асосий фонд қайтимида, алоҳида трактор, комбайн, маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа; айланма фонд қайтимида, алоҳида уруғдан фойдаланиш, ем-хашак, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара (натижа) ўртасидаги нисбати ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртасидаги нисбатни ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг иккита концепциясини - ресурс ва харажат вужудга келтиради. Ресурс концепцияси - такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар концепцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланилиши мумкин.

Қабул қилинган самарадорликни концепцияларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик айланма воситаларига тўғри келган самара қўлланилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. 100 сўм иш ҳақига, амортизация ажратмасига, моддий айланув воситаларига ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот таннархга киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлар самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури миқдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида алоҳида ресурс (харажат)лар қатнашади. Демак, ҳар бир ресурс (харажат) умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштирок этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг биргаликдаги фаолияти натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Бунинг учун эластиклик, детерминация коэффициентларидан, шунингдек, иқтисодий-математик моделидан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳисоблаш ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам, битта умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини миқдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлиши керак. Бу вазифани бажариш учун умумлаштирувчи кўрсаткич маълум бир қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. У ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий қонунларидан келиб чиқиши.
2. У ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини жами ресурслар ёки жами харажатлар билан таққослашни таъминлайдиган кўп факторли бўлиши.

3.Бу кўрсаткич самарадорликни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли даражаларида, ижара жамоаларидан бошлаб бир бутун қишлоқ хўжалиги бўйича очиб бериши.

4.Бу кўрсаткич билан ҳисоблаш методик нуқтаи назаридан оддий ва қулай бўлиши керак.

Юқорида баён қилинган, ишлаб чиқариш самара (натижа)си ва ишлаб чиқариш ресурс (харажат)лари тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичига бўлган талабни ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс қайтими (ресурс сиғими) ҳисобланади. У қўлланилган ресурслар потенциалидан фойдаланишнинг самарадорлигини тавсифлайди. Харажатлар концепцияси самарадорлининг умумлаштирувчи кўрсаткичи - рентабеллик ҳисобланади ва истемол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди.

3.3. Нишон туман “Очилов Ишниёз” фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили

Нишон туман “Очилов Ишниёз” фермер хўжалиги 2006 йил 16.09. да Нишон туман ҳокимлигининг № 137 - сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Фермер хўжалиги Нишон туманининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, географик жиҳатдан қулай шароитда жойлашган. Табиий иқлим шароити ва сув таъминоти ушбу ҳудудларда деҳқончилик қилишга имконини яратади.

Фермер хўжалиги ўз ҳудудини сув билан таъминлаш мақсадида ҳар йили мавсум бошида катта ариқларни, лотокларни тартибга келтиради. Умуман олганда, фермерлар уюшмаси ҳудудни сув билан таъминлаш мақсадида кўпгина самарали ишларга маблағ сарфлаган. “Очилов Ишниёз” фермер хўжалиги сув тармоқларидан яхши фойдаланишига қарамасдан, айрим муаммолар ҳам чиқиб туради. Чунки, фермер хўжаликлар лоток ва ариқларда мавжуд сувни суғоришга ишлатиб қўйишади. Натижада ариқлардан фермер хўжаликлари ҳудудига етарли сув оқиб келмайдиган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб туради.

Юқорида айтганимиздек, ҳудудни суғоришга катта харажатлар қилинади. Бу харажатлар фермер хўжаликлар зиммасига юкланади. Бундан ташқари, сув тақсимотидаги муаммоларнинг кўпаётганлиги етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифати ва таннархига салбий таъсир кўрсатмоқда.

“Очилов Ишниёз” фермер хўжалиги ҳудудий жиҳатдан катта. Табиий шароитлар ҳам ёмон бўлмаганлиги сабабли, ажратилган ер майдонидан тўлиқ фойдаланиш имкони мавжуд. Ҳозирги кунда умумий ер майдонининг катта қисми ҳайдалади ва суғорилади. Қолган ер майдонларидан кўп йиллик дарахтзорлар, бинолар жойлашган ҳудуд, хўжалик ичидаги ерлар ва суғориш иншоотлари остидаги ер майдонлари сифатида фойдаланилади.

Фермерлар уюшмаси ҳудуди такомиллашган йўллар билан боғланган. Бу йўллар асфалтланган, текисланган равон йўллар. Ички йўлларнинг бир қисмигина асфалтланган, қолган қисмига тош ётқизилган. Бундай йўлларда қишлоқ хўжалиги техникалари эркин ҳаракатлана олади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда йўлларни капитал таъмирлашга эътибор берилмаяпти.

Фермер хўжалиги жуда катта меҳнат ресурсларига эга бўлган қишлоқларга яқин ҳудудда жойлашган. Бундан ташқари, ушбу қишлоқларда яшовчи меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпчилиги фермер хўжаликларида ишлаш кўникмаларига эга. Фермерлар даладаги кўпгина сермашаққат ишларни ёлланма ишчи кучи ёрдамида бажаришади. Фермерлар ёлланма ишчилар бажарадиган ишларни назорат қиладилар. Ерга, мулкка нисбатан бепарқликка йўл қўйилмайди. Қолаверса, ёлланган ишчилар ўз меҳнати учун келишилган иш ҳақини иш ниҳоясига етказилиши билан оладилар. Ҳар бир ишчи ўз меҳнатидан манфаатдор бўлади. Фермернинг оила аъзолари яйловдан ташқари, экин майдонлари атрофидан ҳам чорва молларини озиклантириш мақсадида фойдаланишади. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ва оила манфаатлари бирлашади. Ҳар йили ўртача 35-40 кишининг меҳнатидан фойдаланилади. Фермер оиласи аъзоларини ҳисобга олмаганда, ҳар йили 30-35 киши четдан ёлланади. Ёлланма ишчилар мавсумий ишлар қизиган пайтда ишлатилади. Қолган пайтда фермер ўз оила аъзолари ва қариндошлари билан меҳнат қиладилар. Фермернинг оила аъзолари асосан суғориш, экин майдонларининг аҳволини, бажарилаётган ишларнинг сифатини назорат қилиш ва чорва молларини озиклантириш ишларини бажаришади.

“Очилов Ишниёз” фермер хўжалигининг умумий ер майдони ва унинг тақсимланиши

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
		2012й	2013й	2014й	
1. Жами ер майдони.	гектар	47	65	90	191
2. Суғориладиган ер майдони.	гектар	45	62	88	195
3. Ҳайдаладиган ер майдони.	гектар	40	60	80	200
4. Кўп йиллик дарахтзорлар:	гектар	2	2	4	200
<i>а) боғлар</i>	<i>гектар</i>	1	1	2	200
<i>б) тут плантациялари</i>	<i>гектар</i>	1	1	2	200
5. Уй-жой қурилган ер майдони.	гектар	0.3	0.3	0.5	166
6. Суғориш шахобчалари остидаги ер майдони.	гектар	0.2	0.2	0.5	250
7. Йўллар эгаллаган ер майдони.	гектар	0.2	0.2	0.5	250
8. Яйловлар	гектар	3	3	5	166
9. Бошқа ерлар	гектар	1	1	3	300

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий элементларидан бири - ер майдонидир. “Очилов Ишниёз” фермер хўжалигининг умумий ер майдони ҳажми кейинги уч йилда доимий ўзгаришда бўлган. Хўжаликнинг ихтёридаги ер 2012 йилда 47 гектар, 2013 йилда 65 гектар ва 2014 йилда 90 гектарни ташкил этган. Умумий ер майдони 2014 йилда 2012 йилга нисбатан

191 фоизга кўпайган. Умумий майдоннинг ўзгаришига мос равишда суғориладиган ва ҳайдаладиган ерларнинг ҳиссаси ҳам ортиб борган. Суғориладиган майдонлар 2012 йилда 45 гектар, 2013 йилда 62 гектар ва 2014 йилда 88 гектарга етган бўлса, ҳайдаладиган майдонлар ҳиссаси 2012 йилда 40 гектар, 2013 йилда 60 гектар ва 2014 йилда 80 гектарни ташкил этмоқда. Ҳайдаладиган ва суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, ҳосил олинади. 2014 йилда хўжалик умумий ер майдонининг 5 гектарида яйловлар барпо этилган, 0,5 гектарига уй-жой қурилган, 2 гектарни боғлар, 2 гектарни тут плантациялари, 0.5 гектарни йўллар эгаллаган ва яна 0.5 гектарни суғориш шахобчалари остидаги майдон ташкил қилади. Кўриниб турибдики, ер майдонларидан тўлиқ фойдаланилмоқда ва кейинги уч йилда ер майдонлари таркибида катта ўзгаришлар бўлган(Жадвал № 3.1.1.). 2014 йилларда фермер хўжалиги 80 гектарда деҳқончилик қилган. 2 гектарда мевали дарахтлардан ҳосил олинган. Олинган боғдорчилик маҳсулотлари хўжалик ичида истеъмол қилинган, ишчиларга чанқовбосди мева сифатида берилган ва фермер хўжалигининг оила аъзолари эҳтиёжи учун сарфланган. 2,0 гектарда жойлашган тут плантацияларидан асосан баҳорда пилла боқишда ва йил давомида чорва молларини боқишда, ёзда салқинлатиш ва сақлаш мақсадида фойдаланилади. Умуман фермер хўжалиги ер майдонининг катталашиб бораётганлиги ундан эркин фойдаланиш имконини яратмоқда.

Жадвал № 3.1.2. да келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида асосий тармоқ сифатида дончилик ва пахтачилик билан шуғулланилган. 2012-2014 йилларда энг кўп ерга пахта ва дон экилган. 2012-2013 йилларда дон экилган майдонлар 20 гектар бўлиб, 2014 йилга келиб донли экинлар майдони 30 гектарга ёки 150 фоизга кўпайган. Фермер хўжалигида ердан самарали фойдаланиш имкониятларини етарли деб бўлмайди. Вақти-вақти билан сув ресурсининг етишмай қолиши натижасида мавжуд ер майдонидан интенсив фойдаланилмаяпти. Хўжаликнинг пахта майдонлари йил сайин кенгайиб борган. Дастлаб 2012 йилда 20 гектардан

2013 йилда 40 гектарга ва 2014 йилда эса 50 гектарга кенгайган. Хулоса қилиб айтганда, пахта майдонлари кейинги уч йилда 250 фоизга ортган. Хўжаликда экиндан бўшаган далаларга ва тут дарахтлари орасига полиз ва сабзавотлар экиш йўлга қўйилган. Лекин улардан олинган ҳосил хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфланади, яъни бир қисм ҳосил хўжаликда ишловчиларга иссиқ овқат қилиб беришга, бир қисми эса фермер хўжалиги раисининг оиласи аъзоларига ажратилади. Хўжаликда мевали дарахтлар ва тут дарахтлари жойлашган майдондан чорва молларини ўтлатиш учун ҳам фойдаланилади. Умуман олганда, фермер хўжалиги ҳудудида деҳқончилик қилишдан ўртача фойда олиш мумкин. Фермер жойлашган табиий шароит агротехник меёрлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш имконини беради.

Жадвал № 3.2.

“Очилов Ишниёз” фермер хўжалигининг экин турлари бўйича ер майдонининг тақсимланиши ҳақида маълумотлар.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
		2012й	2013й	2014й	
1. Жами дон экинлари:	гектар	20	20	30	150
2. Пахта майдони.	гектар	20	40	50	250
4. Боғ майдони.	гектар	1	1	2	200
5. Тутзорлар майдони.	гектар	1	1	2	200

Хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига бевосита таъсир этувчи кўрсаткичларидан бири ҳосилдорлик ҳисобланади. Экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга интилиш ҳар бир хўжалик аъзосининг асосий

вазифаси ҳисобланади. Жадвал № 3.1.3.да келтирилган маълумотларга караганда, фермер хўжалигида ҳосилдорлик даражаси ёмон эмас. 2012-2014 йилларда асосий тармоқлардан бири ҳисобланган дончиликда ҳосилдорлик гектарига 26-33 центнер атрофида тебраниб турган. 2012 йилда дончиликда ҳосилдорлик даражаси 26 центнерни, 2013 йилда 29 центнерни ва 2014 йилда 33 центнерга етказилган. Дончиликда юз берган бундай текис ўзгаришни пахтачиликда ҳам кузатиш мумкин. 2012 йилда ҳар гектар пахта майдонидан 30 центнер, 2013 йилда 33 центнер ва 2014 йилда 35 центнер ҳосилдорликка эришилган.

Жадвал № 3.3.

**“Очилов Ишниёз” фермер хўжалигида экинлар ҳосилдорлиги ҳақида
маълумотлар**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
		2012й	2013й	2014й	
1. Пахта	<i>Цент/га</i>	30	33	35	116.6
2. Буғдой	<i>Цент/га</i>	26	29	33	126.9
3. Мева	<i>Цент/га</i>	55	55	56	101.8
4. Сабзавот	<i>Цент/га</i>	150	152	156	104

Хўжалик боғдорчилигидаги ҳосилдорлик кейинги йилларда деярли ўзгармаган. Мевачиликда ҳосилдорлик кўрсаткичлари гектарига 2012-2013 йилларда 55 центнерни, 2014 йилда 56 центнерни ташкил қилган. Фермер хўжалигида мева етиштиришга эътибор камлиги учун олинадиган мева миқдори ўртача даражадан ҳам паст. Сабзавот маҳсулотларининг ҳосилдорлиги йиллар бўйича ўсиб борган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжаликда мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга катта

эътибор берилмайди. Мева ва сабзаёт маҳсулотларининг эҳтиёждан ортиқча қисми чорва молларига озуқа сифатида едирилади. Фермер хўжалигида чорвачиликдан ҳам яхши фойда олинади. Фермернинг оила аъзолари мавсум бошида чорва молларини сотиб олади, йил давомида уларни семиртиради, наслдор буқалардан насл олади ва мавсум якунида, яъни кеч кузда чорваларнинг аксарият кўпчилигини сотади. Қолган семиз буқалар қассобга берилиб сўйдирилади ва аҳолига сотилади. Фақатгина наслдор она сигирлар ва ёш буқачалар олиб қолинади. Чорвачиликдан олинган натижалар фермер хўжалиги ҳисобига киритилмайди. Лекин деҳқончилик учун катта маблағ зарур бўлганда чорва молларини сотиш эвазига бу харажатлар молиялаштирилади.

Хўжаликда, ҳар йили экин майдонлари текисланади, экин далалари алмаштирилади, ишлов берилади, минерал ва органик ўғит сепилади, қуриган мевали дарахтлар ўрнига кўчатлар ўтқазилади. Аммо минерал ўғитлар нархининг ҳаддан ташқари қимматлиги сабабли экин майдонларига етарли миқдордаги ва комбинациядаги ўғитлар сепилмайди. Органик ўғитлардан фойдаланиш имконияти ҳам чекланган. Атрофдаги фермерлар ўз чорва молларидан чиққан органик чиқиндиларни ўз ерларига ишлатишмоқда. Органик чиқиндиларни четдан олиб келиш тадбирлари серхаражат бўлиб, барча майдонларга етарли миқдорда ишлатилмайди.

Биз ўрганаётган фермер хўжалигида 2012-2014 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида юз берган ўзгаришлар тўғрисида Жадвал № 3.1.4. маълумот бериб турибди. Маълумотларга қараганда, 2012-2014 йилларда пахта ишлаб чиқариш ҳажмини 291 фоизга қадар оширишга эришилган. 2013-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми режалаштирилган миқдордан ортиқ бўлган. Фақатгина 2012 йилда айнан режалаштирилган пахта хом-ашёси етиштирилган. 2013 йилда 20 центнер ва 2014 йилда 50 центнер пахта хом-ашёси режадагидан кўпроқ етиштирилган. Фермер хўжалигида пахта хом-ашёсини етиштиришга катта эътибор берилади. Зарур бўлган ресурслар аввало пахтачиликка йўналтирилади. Пахтачилик

тармоғидан фарқли тарзда дончиликдаги аҳволни яхши деб бўлмайди. 2012 йилда олиниши режалаштирилган ялпи дон ҳосили олинмаган. 2013 йил режалаштирилгандан 20 центнер кам ва 2014 йил 40 центнер кўпроқ дон ҳосили етиштирилган. Хўжаликда экинларнинг ҳосилдорлиги йил бошида паст даражада белгиланган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, баҳорнинг қурғоқчил келиши ва иккинчидан, керакли пайтда ариқларга сув берилмаганлигидандир.

Жадвал № 3.4.

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳақида
маълумотлар.**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисб. % ҳисобида
		2012й	2013й	2014й	
<i>а) пахта</i>	<i>центнер</i>	600	1320	1750	291
<i>б) дон</i>	<i>центнер</i>	520	580	990	190
<i>в) сабзавот</i>	<i>центнер</i>	150	152	312	208
<i>д) мева</i>	<i>центнер</i>	55	55	112	203

2012-2014 йилларда сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмида катта ўзгаришлар юз берган. Дастлаб 2012 йилда режалаштирилган миқдордагича ҳосил олишга эришилган, 2013 йилда режалаштирилгандан 2 центнер ва 2014 йилда эса 12 центнер кўпроқ миқдорда маҳсулот етиштирилган. Сабзавотчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар йили миқдоран кўпайиши яхши бўлиши мумкин, лекин ҳосилдорлик даражасининг ўртача миқдордан пастлиги сақланиб қолганлигини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Умуман олганда, деҳқончиликда қўшимча ва ёрдамчи тармоқ сифатида шакллантирилган мева ва сабзавотчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси яхши эмас. Юқорида айтганимиздек, бу икки тармоққа етарлича эътибор қаратилмаган. Биринчидан, сабзавотчилик учун ажратилган ер майдони қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибига киритилмаган ва

етиштирилган ҳосил ички эҳтиёжлар учун сарфланади. Иккинчидан, сабзаёт экинларига ишлов беришга, ўғит солишга иккинчи даражали ишлар сифатида қаралгани учун ҳосилдорлик даражаси паст. Мевали дарахтлардан ҳосил олиш масаласи ҳам хўжаликда тўлиқ ечилмаган. Мевали дарахтлар гуллаган пайтда ва ғуралаганда турли зарарли ҳашаротлардан, касалликлардан ҳимоя қилиш чоралари қўрилмайди. Кимёвий воситалар билан дориланмайди. Натижада, мавжуд ҳосилнинг бир қисми гуллаганда, яна бир қисми ғуралаганда тўкилиб кетади ёки чорва молларига едирилади. Бундан ташқари, мевали дарахтларни суғориш асосий далалардан сув ортсагина амалга оширилади. Фақатгина қуриган дарахтлар ўрнига эрта баҳорда янги кўчат экиш йўлга қўйилган.

Фермер хўжалигида чорвачиликни ривожлантиришга аҳамият берилган. Чорва моллари оиланинг мулки ҳисобланади. Чорва молларини ва маҳсулотларини сотишдан фермернинг оила аъзоларигина фойда олади. Бунда фермер оила аъзоларининг меҳнати самараси яққол намоён бўлган. Фермер хўжалигида чорвачиликдан ҳам яхши фойда олинади. Фермернинг оила аъзоларилар йил давомида чорваларини семиртиради, қўй-қўзиларини кўпайтиради, наслдор буқалардан насл олади ва мавсум якунида, яъни кеч кузда чорваларнинг аксарият кўпчилигини сотади. Фақатгина, ёш қўй-қўзилар, наслдор она сигирлар ва ёш буқачалар олиб қолинади. Фермер ихтиёрида қолган майда моллар қиш ва баҳор ойларида қишлоқ қассобларига бериб сўйдирилади ва аҳолига сотилади, қолаверса оила аъзоларининг эҳтиёжи учун истеъмол қилинади. Чорва молларини ва маҳсулотларини сотишдан фермер яхши фойда олади.

Жадвал № 3.5.**Мавжуд бўлган чорва моллари сони ва таркиби ҳақида**

Хўжаликда мавжуд бўлган чорва моллари сони ва таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисб. % ҳис.
		2012й	2013й	2014й	
1. Она сигирлар.	бош	8	9	9	112.5
2. Наслдор буқалар.	бош	3	3	3	100
3. Ғунажинлар.	бош	3	3	3	100
4. Ёш моллар.	бош	3	4	6	200
5. Боқувдаги моллар.	бош	3	4	4	133.3
6. Қўй ва қўзилар.	бош	8	12	15	187.5

2012-2014 йилларда чорва моллари сонининг ўзгариши Жадвал № 3.5.да келтирилган. Кўриниб турибдики, кейинги уч йил давомида она сигирлар сони, ёш моллар, боқувдаги моллар ва қўй-қўзилар сони кўпайган. Бу даврда ёш молларнинг сони 3 тадан 6 тага, боқувдаги молларнинг сони 3 тадан 4 тага, қўй ва қўзилар сони 8 тадан 15 тага ортган. Фермер хўжалигида йил бўйи йиғилган органик чиқиндилардан экин майдонлари унумдорлигини оширишда фойдаланилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликни ўзаро мутаносиб ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Жадвал № 3.6.**Хўжаликдаги техникалар ва агрегатлар сони ҳамда таркиби**

Техникалар номи	Бирл.	2012й	2013 й	2014й	2014й 2012й.га нисб.
1. Ҳайдов трактори	дона	2	2	2	100 %
2. Транспорт трактори	дона	2	2	2	100 %
3. Барона ва плуг	дона	2	2	2	100 %
4. Культиватор	дона	1	1	1	100 %

“Очилов Ишниёз” фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўлган техник воситалар мавжуд. Улар жумласига, бир дона ҳайдов трактори ва бир дона транспорт тракторини киритиш мумкин. Бундан ташқари, тракторга тиркаб ишлатиладиган плуглар, планировкаловчи ва бароналовчи асбоблар, ариқ ва пушта олувчи мосламалар, сеялкалар ҳам мавжуд. Ушбу воситалар ёрдамида хўжалик ерлари ҳайдалади, катта чимлар

кесилади, уруғ экилади, экинларга ишлов берилади, хуллас, зарур бўлган агротехник тадбирлар ўтказилади ва етиштирилган ҳосил йиғиб олинади. Фермер хўжалигида мавжуд бўлган ушбу воситалардан хўжалик ичида самарали фойдаланишга ҳаракат қилинади. Техникалардан хўжалиқдан ташқарида, яъни қўшни фермерлар учун ҳам хизмат кўрсатиши йўлга қўйилмаган. Чунки мавжуд техникаларнинг механик иш қобилиятининг пастлиги, эҳтиёт қисмларининг эски бўлганлиги бу йўналишда иш олиб боришга имкон бермайди. Агар техникалар янгиланса қўшни фермерларга хизмат кўрсатишдан ҳам яхши фойда олса бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон, фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга эътибор берди. Республика парламенти қишлоқ хўжалигида туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қонунларни қабул қилди.

Деҳқончиликда картошка, мева, сабзавот маҳсулотлари, чорвачиликда сут, гўшт, тухум, тери ва жун маҳсулотларига эркин (келишилган) нархларда сотиш жорий этилди. Бу эса хўжаликларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларини ўз ихтиёрида фойдаланишга имкон яратилди. Давлат буюртмаси фақат пахта, дон, шוליға нисбатан сақланиб қолди.

Олиб борилган тадбирлар хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини яхшилашга ҳамда хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ривожлантиришга кенг йўл очиб беради.

Ердан самарали фойдаланишда Республика Президенти И.Каримов "Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик

ҳиссини уйғотиш мулкчилик мунособатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларнинг ўзида ижара мунособатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, деҳқон, фермер ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим²" деб кўрсатиб ўтди.

² Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995, - 24.

3.4. Нишон туман “Очилов Ишниёз” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, одатда, икки хил: соф иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўринишида мавжуд бўлади. Эҳтиёжларини яратилаётган маҳсулот ҳисобига қондириш, одатда, ишлаб чиқариш натижаларини моддий-пул харажатлари билан солиштириб кўрилгандагина иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи тўлиқроқ ва яққолроқ намоён бўлиши мумкин.

Иқтисодий самарадорлик – ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнат сарфланиши натижасида олинган пировард фойдали самара, соддароқ айтганда, жами сарфларнинг қайтимидир. Қишлоқ хўжалигида бу энг оз жонли ва буюмлашган меҳнат сарфланган ҳолда майдон бирлиги ҳисобига энг кўп маҳсулот олиншини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган у ёки бу тадбирларга баҳо беришда иқтисодий самарадорлик ўлчов сифатида хизмат қила олади. Бутун халқ хўжалиги миқёсида иқтисодий самарадорликнинг ўлчови сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад миқдори олинади. Миллий даромад – фақатгина одамлар эҳтиёжини қондириш манбаи бўлмай, у ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш манбаи ҳам саналади.

Қишлоқ хўжалигида самарадорликнинг ўлчови бу энг оз жонли ва буюмлашган меҳнат сарфланган ҳолда соф маҳсулот (ялпи даромад) кўпайтирилишидан иборат. Бунга эса, ерлардан, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона (унумли) фойдаланиш эвазига эришилади.

Қишлоқ хўжалигида пировард иқтисодий самарадорликка эришиш ҳамма ресурслардан узлуксиз равишда тежамкорлик билан унумли фойдаланиш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи турли омиллар оқибатида келиб чиқадиган аниқ кўрсаткичларга эга бўлишимиз лозим. Шундагина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини яхлит ҳолда таҳлил қилиш ва иқтисодий самарадорлигининг асосий йўналишлари тўғрисида ишонарли хулосалар чиқариш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигига баҳо беришда соҳанинг пировард натижаларга таъсир қилувчи ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлиги унинг натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими билан ҳам аниқланади. Натура кўрсаткичларига даставвал: ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалиги молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари киради.

Одатда, ҳосилдорлик даражаси бошқа кўрсаткичлар миқдорига бевосита таъсир кўрсатади. Аммо натура кўрсаткичлари эришилган самарадорликнинг фақат бир томонини акс эттира олади. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун ҳосилдорлик ва чорва маҳсулдорлигини бўйича муайян кўрсаткичларга эришиш жараёнидаги ялпи меҳнат сарфларини билиш ҳам зарур. Бир хил даражадаги ҳосилдорликка турли миқдорда меҳнат ва маблағ сарфланган ёки маҳсулот сифати турлича бўлиши ҳам мумкин. Бу каби ҳолатлар ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, самарадорликни аниқлашда хатоликка йўл қўймаслик учун ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг қиймат кўрсаткичларига таяниш лозим. Қиймат кўрсаткичлари фақат ҳисоб учунгина зарур бўлмай, балки ўзига хос иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, улар товар-пул муносабатларининг ривожланишида, ишлаб чиқариш маҳсулоти эса бозорда товар сифатида қатнашади.

Самарадорликни аниқлайдиган энг муҳим қиймат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Биринчи кўрсаткич – бу ялпи маҳсулотнинг шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфига бўлган

нисбати билан аниқланади ва қуйидаги формула билан ифодаланади: $C_{к/х} = ЯМ : I_x$

Бу ерда $C_{к/х}$ - қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи; ЯМ - ялпи маҳсулот, сўм; I_x – ишлаб чиқариш харажатлари, сўм.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажми корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ. Қисқа муддатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг даромади ялпи маҳсулотнинг сотилган баҳоси ҳисобланади, ялпи маҳсулотнинг сотилмаган, товар бўлмаган қисми эса таннарх баҳосида ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларида ялпи маҳсулот натурал шаклда аниқланади. Аҳоли жон бошига ёки ҳар бир ишловчи ҳисобига қанча кўп ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилса, шунда шу тармоқнинг самарадорлиги юқори бўлади.

2. Иккинчи кўрсаткич – бу ялпи даромаднинг шу даромадни вужудга келтириш учун қилинган харажатларга бўлган нисбати билан аниқланади:

$$C_{к/х} = ЯД : I_x$$

Бу ерда ЯД- ялпи даромад, сўм.

Ялпи даромад қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ялпи даромад ижтимоий ва шахсий истеъмол фондининг асосий манбаидир. Ялпи даромад хўжалик амалиётида миллий даромад ҳам деб юритилади. Ялпи даромад икки қисмга бўлинади. Унинг биринчи қисми (V), ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун, қишлоқ хўжалигида ишлайдиган кишиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини кўтариш учун ишлатилади. Ялпи даромаднинг иккинчи қисми (М) асосан жамғариш учун, асосий ва айланма фондларнинг кўпайиши учун, эҳтиёт фондлар учун, суғурта эҳтиёжлари учун ишлатилади.

3. Учинчи кўрсаткич – бу кўрсаткич соф даромаднинг ёки фойданинг қилинган харажатларга нисбати билан аниқланади ҳамда қуйидаги формула

билан ифодаланади: $P = \frac{CD}{IX} \times 100$ Бу ерда, CD – соф даромад, сўм. Ф–
фойда, сўм, P – рентабеллик, % да.

Соф даромад бу – ялпи маҳсулот қийматидан шу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш учун қилинган барча моддий ва иш ҳақи харажатлари чиқариб ташланганда қолган қисмидир. Унинг миқдори ялпи даромаддан ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Соф даромад ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ижтимоий истеъмол фондларининг вужудга келиш манбаидир. Унинг миқдори ишлаб чиқаришнинг қандай даражада даромадли (рентабелли) эканлигини кўрсатади.

Хўжалик даромадлигининг ортиши ялпи маҳсулотнинг кўпайишига, сифатининг яхшиланишига, таннархнинг пасайишига боғлиқдир.

Соф даромад ва фойда икки хил иқтисодий категориядир. Агар соф даромад вужудга келган барча қўшимча маҳсулот қийматини ифодаласа, фойда эса товар маҳсулотни сотишдан келадиган қисминигина ифодалайди. Соф даромаднинг бир қисми баҳолар сиёсати орқали ва ҳар хил тўловлар воситасида давлат бюджетига бориб тушади ва умумхалқ эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Фойда – сотилган товар маҳсулотдан тушган пул маблағидан шу маҳсулотнинг тўла ишлаб чиқариш харажатларини (марказлаштирилган тўловлар ҳам шунга киради) чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Фойда билан ишлайдиган корхоналар рентабелли хўжаликлар ҳисобланади. Фойда қанча кўп бўлса, хўжаликда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун шунча кўп имконият яратилади.

4. *Тўртинчи кўрсаткич – бу меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи.* Маълумки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражасига боғлиқ. Бу эса бир одам/соат, меҳнат сарфи билан ёки бир йилда ишлайдиган кишиларнинг ўртача сонига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи даромад) ёки соф маҳсулот

миқдори билан аниқланади. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

$$C_{к/х} = ЯМ/МС; \quad C_{к/х} = ЯД/МС; \quad C_{к/х} = СД/Н;$$

Бу ерда, МС меҳнат сарфи, одам-соат.

Н-ўртача йиллик ишлайдиган кишилар сони.

5. *Бешинчи кўрсаткич – бу орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади.* Қишлоқ хўжалигида ҳар томонлама таҳлил қилиш учун барча ишлаб чиқариш ресурсларини яъни: ер, меҳнат, моддий ва пул ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини жиддий ўрганиш керак. Масалан, ердан фойдаланишнинг натурал қиймати бўйича самарадорлиги ялпи маҳсулотнинг экин экилган ер майдонига нисбати билан

аниқланади: $Хосилдорлик = \frac{ЯМ}{\gamma};$

Бу ерда, γ -экин майдони, га

Ердан фойдаланишнинг қиймати бўйича самарадорлик даражаси эса ялпи даромад (соф даромад) ёки фойданинг экин майдонига нисбати билан аниқланади:

$$Сам = \frac{ЯД(СД, Фойда)}{\gamma}$$

Бу ерда, ЯД – ялпи даромад, сўм. СД – соф даромад, сўм. Ф – фойда, сўм.

6. *Олтинчи кўрсаткич – бу кўрсаткич орқали ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади.* Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда фондлар қайтими ($\Phi_{кайт}$) ва фондлар сиғими (Φ -сиғим) каби кўрсаткичлар ишлатилади:

$$\Phi_{кайт} = \frac{Q}{\Phi_{ас.}}; \quad \Phi_{сиғ} = \frac{\Phi_{ас.}}{Q};$$

Бу ерда: Q – маҳсулот миқдори, дона; $\Phi_{асос}$ – асосий ишлаб чиқариш фондлари, сўм.

Жадвал № 3.7.

«Очилок Ишниёз» фермер хўжалиги асосий тармоқларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар		Ўлчов бирл	Йиллар			2014 йил 2012йилга нисб. % ҳис-да
			2012й	2013 й	2014 й	
1.	Сотилган маҳсулот қиймати.	м.сўм	75040	153368	219318	292,2
2.	Сотилган маҳсулот таннархи.	м.сўм	64148	135460	204860	319,3
3.	Олинган фойда(+), зарар(-).	м. сўм	10892	17908	14458	132,7
4.	Рентабеллик даражаси.	%	16,9	13,2	7,05	xxx
Дончилик бўйича:						
5.	Ялпи маҳсулот миқдори	тонна	52	58	99	190,3
6.	1 тоннанинг таннархи	м.сўм	299	310	390	130,4
7.	1 тоннанинг сотиш баҳоси	м.сўм	385	398	407	105,7
8.	1 тоннадан фойда(+), зарар(-)	м.сўм	86	88	17	19,7
9.	Сотишдан пул тушуми.	м.сўм	20020	23084	40293	201,2
10.	Сотилган доннинг таннархи.	м.сўм	15548	17980	38610	248,3
11.	Олинган фойда(+), зарар(-).	м.сўм	4472	5104	1683	37,6
12.	Рентабеллик даражаси.	%	28,7	28,3	4,3	xxx
Пахтачилик бўйича:						
13.	Ялпи маҳсулот миқдори	тонна	60	132	175	291,6
14.	1 тоннанинг таннархи	м.сўм	810	890	950	117,2
15.	1 тоннанинг сотиш баҳоси	м.сўм	917	987	1023	111,5
16.	1 тоннадан фойда(+), зарар(-)	м.сўм	107	97	73	68,2
17.	Сотишдан пул тушуми.	м.сўм	55020	130284	179025	325,3
18.	Сотилган пахта таннархи.	м.сўм	48600	117480	166250	342,0
19.	Олинган фойда(+), зарар(-).	м.сўм	6420	12804	12775	198,9
20.	Рентабеллик даражаси.	%	13,2	10,8	7,6	xxx

7. *Еттинчи кўрсаткич – бу кўрсаткич орқали капитал қўйилмалардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади.* Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда капитал қўйилмалар муҳим рол ўйнайди. Шу мақсадда ҳар бир сўм капитал қўйилмалар эвазига олинadиган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва фойда каби кўрсаткичлардан фойдаланилади:

$$Ис = \frac{ЯМ}{К} \quad Ис = \frac{ЯД}{К} \quad Ис = \frac{\Phi}{К} \quad \text{Бу ерда, К-капитал қўйилма, сўм.}$$

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида моддий-пул воситалари кўп сарфланаётганлиги сабаб

бўлмоқда. Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш кўп жиҳатдан ер, меҳнат ва моддий ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнидаги сарфлар асосий ўринни таркибида уруғлик, экиш материаллари, меҳнат ҳақи, чорвачиликда эса ем-хашак ва асосий фондларнинг амортизацияси сарфлари эгалламоқда. Демак, экинларга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни комплекс механизациялаш зарур. Бу жонли меҳнат сарфини қисқартиради, натижада жонли меҳнат сарфи моддий-пул харажатлари ҳажмидан камаяди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва харажатлар сарфини қисқартиришда, йўл-транспорт хўжалигини ривожлантириш, маҳсулотларни янгича усулда тараларга жойлаштириш ҳамда тежамкорлик катта аҳамият касб этади ва ҳоказо.

Нишон туман «Очилов Ишниёз» фермер хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари жадвал № 3.7. жадвалда келтирилган. Хўжаликда асосан икки тармоқда иш юритилади. Бу тармоқлар дончилик ва пахтачилик бўлиб, уларда эришилган натижаларга қараб ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинганлигига баҳо бериш мумкин. Хўжаликнинг дончилик тармоғида кейинги йилларда яхши натижаларга эришилмаган. 2012 йилда 52 тонна дон етиштириш учун жами 15 млн 548 минг сўм маблағ сарфланган. Ишлаб чиқарилган донни сотишдан 20 млн 20 минг сўм даромад олинган. 2012 йилда олинган фойда 4 млн 472 минг сўмга тенг бўлиб, рентабеллик даражаси 28,7 фоизни ташкил қилган. 2013 йилда 2012 йилдагидан 6 тонна кўпроқ ялпи дон ҳосили давлатга сотилган. Етиштирилган донни сотишдан 23 млн 84 минг сўм даромад олинган. Ушбу йилда дон ишлаб чиқариш таннари 17 млн 980 минг сўмга тушганлигини ҳисобга олсак, олинган фойда 5 млн 104 минг сўмга тенглиги маълум бўлади. Бу кўрсаткич ўтган 2012 йилдагидан 632 минг сўм миқдорида кўплигини кўриш мумкин. Дон ишлаб чиқариш харажатлари тез ўсиб бораётган бир вақтда олинадиган фойданинг ортиб боришини ижобий баҳоласа бўлади. 2014 йилда дон ишлаб чиқаришда вазият ёмон томонга ўзгарган. 2014 йилда

99 тонна дон ҳосилини етиштириш учун жами 40 млн 293 минг сўм маблағ сарфланган. Ушбу йилда яратилган донни сотишдан 38 млн 610 минг сўм тушумга эга бўлинган. Хўжаликда дон сотишдан атиги 1 млн 683 минг сўм фойда олиниб, 4.3 фоиз рентабелликка эришган. Умуман олганда, 2012-2013 йилги кўрсаткичлар нисбатан яхши ҳисобланади, лекин 2014 йилги ҳолатга бундай баҳо бериб бўлмайди. Дончиликдаги аҳволни ҳар бир тонна маҳсулотни етиштириш таннари, сотиш баҳоси ва олинган фойда миқдори мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фермер хўжалигида пахтачиликка яхшироқ эътибор берилишига қарамадан, бу соҳада камчиликлар кўп. Пахта хом-ашёси етиштириш 2012 йилда 60 тоннани, 2013 йилда 132 тоннани ва 2014 йилда 175 тоннани ташкил қилган. 2012 йилда пахта ишлаб чиқариш учун жами 48 млн 600 минг сўм харажат қилинган. Шу харажатлар ҳисобига 55 млн 20 минг сўм даромад олинган. Рентабеллик даражаси 13,2 фоизни ташкил этган. Бу даражадаги фойда миқдори кам ҳисобланади. Чунки, ишлаб чиқаришга ФТТ янгиликларини жорий қилиш, қудратли қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун катта миқдордаги маблағ лозим бўлади. Кейинги йиллардаги энг паст рентабеллик 2014 йилда кузатилган. 2014 йилда жами харажатлар 166 млн 250 минг сўмга тенг бўлиб, шу харажатлар эвазига 179 млн 25 минг сўм тушумга эга бўлинган. Рентабеллик даражасига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири, бир қисм пахтанинг уруғликка топширилганлигидир. Уруғлик пахта учун тўланадиган ҳақ умумий пул тушумини оширишга сабаб бўлган. Бир тонна пахта ишлаб чиқариш харажатлари ва сотиш баҳоси ҳар йили ўсиб борган. Бир тонна пахтани сотишдан олиннадиган фойда миқдори 2012 йилда 107 минг сўмга, 2013 йилда 97 минг сўмга ва 2014 йилда 73 минг сўмга камайганлиги яхши эмас. Пахтачиликда рентабеллик даражаси харажатлар ҳисобига фойда олиш миқдорининг кам бўлганлиги ва 2013-2014 йилларда янада ёмон томонга ўзгарганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг харажатларини камайтириб, пул даромадларини, ялпи ва соф фойдаларини келажакда янада кўпайтириш унинг барча тармоқларида бозор иқтисоди талабларига мос келадиган ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизими ҳаётга ўз вақтида, сифатли татбиқ этилишини объектив равишда тақозо этади. Шу мақсадда амалга ошириладиган тадбирлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига боғлиқ бўлган бевосита ва билвосита тадбирлар гуруҳини келтириб ўтамыз.

Қишлоқ хўжалигида ялпи ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирлари:

экинларнинг серҳосил навларини, чорва хайвонларининг эса сермахсул зотларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни сув билан таъминлаш тадбирларини ривожлантириш;

чорва хайвонларини сифатли озуқа билан таъминлаш ва озиклантиришни талаб даражасида амалга ошириш;

экологияни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида маҳаллий, маданий ўғитлардан ҳамда кимёвий воситалардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни талаб даражасида таъминлаш;

махсулотларнинг сифатини, уларни ташиш ва сақлаш жараёнларини яхшилаш тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида модий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминловчи тадбирлар:

ишлаб чиқаришни самарали жойлаштириш, ихтисослаштириш ва ташкил этишни жадаллаштириш;

янги техникаларни, илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш натижсида иш жараёнларини тўлиқ механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш;

ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини ривожлантириш;

давр ҳамда молиявий харажатларни имконият даражасида камайтириш ва бошқалар.

Бозор иқтисоди муносабатларини қишлоқ хўжалигига жорий этишни эркинлаштириш ва жадаллаштириш тадбирлари:

саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, сотишни эркинлаштириш, улар ўртасидаги эквивалентликни таъминловчи тадбирлар жорий этилишини жадаллаштириш;

нодавлат мулкчилик шакллари барпо этилишига асосланган тадбиркорлик турларини ривожлантириш;

инвестициялар жалб этилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни жорий этиш;

биржаларнинг турларини ривожлантириш;

суғурта ишларини ривожлантириш ва бошқалар.

Бу тадбирлар, аввало, етиштириладиган маҳсулотлар миқдорини талаб даражасида кўпайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши зарур. Маҳсулотлар миқдори экин майдонларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Экин майдонларини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш талаб этилади. Лекин бу тадбир чекланган. Шунинг учун асосий эътиборни экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратиш зарур. Бунинг учун экинларнинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш, ирригация, мелиорация, агротехник, кимёвий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида тупроқнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда экинларни алмашлаб экишни илмий асосланган ҳолда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Алоҳида эътибор ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилиши зарур.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган харажатлар ўсиши билан етиштирилган маҳсулотлар таннархларининг ўсиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Қилинган харажатлар доим ҳам етарлича самарали бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали

етиштириладиган маҳсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун:

деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш;

экинларнинг тезпишар, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борича кўпроқ татбиқ этиш;

харажатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартириш;

ирригация, мелиорация ва кимёлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали ҳал қилиш;

меҳнатни ташкил этишнинг самарали шаклларини ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигини ошириш;

захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;

янгиилғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;

ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни самарали ҳал этиш;

ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш;

янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини амалга оширадиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш ва такомиллаштириш;

тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермахсул чорва зотларини яратиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида амалга ошириладиган барча иш жараёнларини автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигига сервис хизматларини кўрсатиш, тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг зарур миқдорини қайта ишлаб, сифатли сақлаб, истеъмолчиларга вақтида, яхши ҳолатда етказиб бериш қобилиятига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари билан икки томонлама самарали алоқалар ўрнатиш;

фан-техника тараққиёти натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни ёллаш ва фаолият кўрсатаётганларини рағбатлантирилишини такомиллаштириш;

корхоналарнинг асосий воситалар билан таъминланганлигини меъёрига етказишга, улар ўртасидаги мутаносибликни, яъни бир дона қишлоқ хўжалик машинасига бир нечта механизмлар бўлишини таъминлаш;

меҳнат воситаларнинг ҳолатини, яъни ишга яроқлилигини яхшилашга, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

саноат корхоналари етказиб берадиган қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаларини арзонроқ баҳоларда, қулайроқ усулларда сотиб олиш;

механизатор кадрларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантиришни ривожлантириш.

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган меҳнат предметларини тадбиркорлик билан арзонроқ баҳоларда сотиб олиш,

ўзларида ишлаб чиқариладиганлари таннархини тушириш ва сифатини яхшилаш;

меҳнат ва маблағ сарфларини тежаш;

айланма воситаларнинг оптимал (мақбул) таркибини таъминлаш;

айланма фондларнинг айланиш даврини қисқартириш;

меҳнатни такомиллаштириш ва уни рағбатлантириш;

тармоқнинг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш ортиқчаларини қисқартириш;

тармоқнинг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;

ишлаш учун барча шароитларни яратиш;

меҳнатни ташкил этишнинг самарали турларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажариш;

янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;

ирригация, мелиорация шахобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш;

янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлаш;

кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратиш;

сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтириш;

тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш;

меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантириш;

ижтимоий соҳаларни ривожлантириш;

ўсимликчиликнинг, чорвачиликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабини имконият даражасида таъминлаш;

ишчи-хизматчиларнинг билимини, малакасини юксалтириш ва моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни реал, таъсирчан усуллар орқали ривожлантириш;

ишлаб чиқариш, давр харажатларини, молиявий харажатларни имконият доирасида камайтириш;

солиқлар тизимини яхши англаб олиш;

Юқоридагилар билан бирга ишлаб чиқариш, давр ҳамда молиявий харажатлар ҳажмини қисқартириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун корхоналарнинг, меҳнатнинг оқилона шаклларини ташкил этиш талаб этилади.

Янги техника, илғор технологияларни ҳаётга жорий этиш натижасида жонли меҳнат харажатлари камайишини исботлаш лозим. Бу жараённинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, агросаноат интеграциясининг ривожланиши билан бевосита боғлиқлигини исботлаш зарур. Чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ҳам ошириш лозим. Бунинг учун наслчилик ишларини йўлга солиш зарур. Чорва ҳайвонларини тўйимли ем-хашак билан таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир. Бу тармоқда ҳам барча харажатларни қисқартириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарур.

Ялпи фойданинг кўпайиши маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар камайишини тақозо этади. Шунинг учун маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган бўлимлар, ташкилотлар сонини қисқартириб, бевосита алоқаларга ўтишни таъминлаш лозим. Ҳозирги даврдаги мавжуд бўлган ягона ер солиғини, тўловлар, кредит ставкаларини тартибга солиш натижасида соф фойда суммаси кўпаяди. Юқорида таъкидланган иқтисодий категорияларнинг кўпайиши, ривожлантирилиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлайди.

4. Назарий дарс ўтиш методикасининг умумий масалалари

4.1. Назарий дарс машғулотларини кейс таълим технологиясида режалаштириш

Назарий дарс машғулотларида танланган таълим моделидан ва ўқув машғулотининг лойиҳалаштирилган тузилишидан фойдаланиб ўқитувчи таълим технологиясини режалаштиради. Ўқув машғулотида таълим технологиясини режалаштириш техноклогик харита кўринишида амалга ошириш мумкин. Ўқув машғулотининг техноклогик картасига қуйидагилар киради :

- ўқитувчи таълим жараёнида қўлланадиган чизмалар, жадваллар ва бошқа визуал материаллар;
- талабалар билимларини долзарблштириш учун саволлар;
- талабалар ўқув иши жараёнида амал қилиши лозим бўлган йўриқномалар, қоидалар (масалан, ақлий хужум қоидалари);
- мунозарани ўтказиш учун қўшимча саволлар ва бошқалар.

Дарс машғулотини баён этишда тақдим этиладиган материаллар ҳажми чекланмайди. Материаллар яхши тузилган ва график жиҳатдан чизмалаштирилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг кейсда кўриб ўтилган масалалар бўйича ўқув ахборотларини эгаллаши амалий вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир машғулот самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир. Шу сабабли кейс билан ишлаш ўқув мавзуси тугалланганида ёки уни ўрганиш давомида ўтказилади –ҳаммаси кейс турига, шу жумладан унинг мақсадлари ва иш муддатларига боғлиқ бўлади.

Ўқув в услубий материалларнинг тайёрланиши

Ўқув машғулотида тайёргарлик жараёнида қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва талабаларга таклиф этиш мақсадга мувофиқдир:

- талабалар билимларини қатъий мантиқий тизимга солиш учун назарий ахборотларнинг чизмалар, жадваллар, тузилмаланган ифодалар шаклидаги қисқача баёнини ўз ичига оладиган ўқув материаллари;
- мустақил ва гуруҳли ишлаш жараёнида амалий вазиятни таҳлил этиш ва ечишга ёки ечиш алгоритмига доир йўриқномалар;
- ақлий ҳужум, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимотлар қодаларига эга плакатлар/варақалар;
- «Муаммо ечимининг устувор ғоясини баҳолаш ва танлаш техникаси» бўйича йўриқномаси ;
- ўқув машғулотида талабаларнинг мазмунли фаоллигини, кейсини ёзма ечишни *баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари*;
- Кичик гуруҳларда талабаларни ишлаш жараёнини *ўзаро баҳолаш матрицаси*.

Ўқитувчининг тайёрланиши. Кейс-стади амалиётини ўтказувчи ўқитувчи машғулотга оддий тайёрланишдан ташқари қуйидагиларни ҳам бажаради:

- вазиятни пухта таҳлил қилади, муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва уни ҳал қилиш учун талабаларга таклиф қилиниши мумкин бўлган бир неча моделларни тайёрлайди;
- вазият ечими бўйича талабалар таклиф этадиган вариантларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқади.
- муаммони ечиш бўйича ўзининг вариантыни тайёрлайди.

Кейсини ечиш натижаларини кичик гуруҳлар томонидан тақдимотини ўтказилади. Бунда талабалар муаммоли вазият ечимининг ўз вариантыни тақдим этади, танланган ҳаракатлар йўлини изоҳлайди ва унинг оқилоналигини асослайди.

Жамоа билан кейс устидан ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Гуруҳлар таклиф этган ечимлар вариантлари муҳокамаси ўтказилади ва экспертлар гуруҳи томонидан уларнинг уларнинг ечимлари баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади. Шунингдек таклиф этилган

ечимларнинг аниқлиги ва амалга оширилиши мумкинлигига биргаликда (талабалар ва ўқитувчи) баҳо берилиши ҳам мумкин.

4.2. Назарий дарс машғулотининг таълим модели ва харитаси

Мавзу бўйича машғулотнинг таълим модели жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар акс эттирилади:

- дастлабки маълумотлар: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- шакл (маъруза, семинар ва бошқалар) ва кўриниши (масалан, муаммоли маъруза ва бошқалар), ўқув машғулоти режаси, тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазибалари;
- танланган таълим модели: усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари;
- таълим бериш шароити: махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- мониторинг ва баҳолашга асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқалар).

Таълим бериш технологик харитасида таълим берувчи ва таълим оловчи фаолияти (ўқув жараёни) босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилишга ёрдам беради.

Машғулот технологик харитасининг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:

Ўқув машғулотининг технологик харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1-1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим оловчи фаолияти.

1-босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.

Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқалар.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш меъзонлари билан таништиради.

Таълим оловчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2-босқич (55-65 дақиқагача). Асосий маълумотларни бериш.

Таълим берувчи ўқув машғулотининг режаси тузилишга мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим оловчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

Таълим оловчилар кўзланаётган ўқув натижаларга эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3-босқич (10-15 дақиқагача). Якуний – натижавий.

Таълим берувчи ва таълим оловчилар ҳаракати. Таълим берувчи мавзу бўйича яқун ясайди, таълим оловчилар эътиборини асосийларига қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашни яқунини чиқаради: ўқув машғулотини мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

Таълим оловчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

4.3. Назарий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси

Мавзу: Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири

Таълим бериш технологияси модели (назарий)

Вақт: 2 соат	Талабалар сони 25 та
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Назарий
<i>Машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти. 2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг аҳамияти 3. Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили 4. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Шакллантириш, билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<p>Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти асосларини кейс таълим технологиялари асосида бериш</p> <p>Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг аҳамияти бўйича муаммоли вазиятларни яратиш ва саволлар бериш</p> <p>Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили бўйича тест саволларини бериш</p> <p>Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари тушунтиради, муаммоли саволлар беради</p>	<p>Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти асосларини қайд қиладилар, савол жавоблар асосида фаоллашадилар</p> <p>Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг аҳамияти бўйича муаммоли саволларга ечим топадилар ва тақдимот қиладилар</p> <p>Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили бўйича тест саволларига жавоб берадилар</p> <p>Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари қайд этадилар, муаммо ечимини баён этадилар</p>
<i>Таълим усуллари</i>	Кейс таълим технологияси: оғзаки, кўргазмали тушунтириш
<i>Таълим шакли</i>	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим воситалари</i>	Ўқув-услубий мажмуа
<i>Таълим бериш шароити</i>	Ахборот технологиялари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
I-босқич. Кириш (10 дақ.)	<p>1.1. Ўқувчилар эътиборига мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижа-ларни етказди. Ўқувчиларни машғулот режаси билан таништиради.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунча-лар, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхати берилади.</p> <p>1.3. Назарий дарс машғулоти учун белгиланган баҳолаш мезонлари билан таништиради ва ўқувчиларни фаол-ликка чақиради</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлаштир а-дилар, саволлар берадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар</p>
I I-босқич. Асосий (60 дақ.)	<p>2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий хужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>2.2. Маъруза машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади.</p> <p>2.3. Маъруза бўйича зарурий иборалар, чизмалар, схема ва жадваллар тарқат-мали материал кўринишида тақдим этади.</p> <p>2.4. Маъруза материали режага муво-фик ўтилганидан сўнг хулосаланиб, талабалар фаоллигида мустаҳкам-ланади.</p>	<p>Жавоб берадилар</p> <p>Ёзадилар</p> <p>Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар Савол-жа- вобларда иштирок этадилар</p>
I I I- босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қилади, қилин-ган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

4.4. Назарий дарс ўтиш методикаси

Мавзу: **Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири**

Дарснинг тури: Назарий машғулот.

Дарс учун ажратилган вақт 2 соат

Дарс ўтиш жойи: Таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган фан хонаси

Ўқитиш услуби: оғзаки, кўргазмали-тушунтириш, кейс технологияси

Дарснинг жиҳозланиши. «Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири» мавзусида электрон дарслик, тақдимот слайдалари, ўқув-услубий мажмуа, тарқатмали материаллар, диаграмма ва жадваллар, компьютер ва проектор ва бошқа дидактик воситалар.

Назарий машғулот мақсади

Асосий мақсади: Ўқувчиларга Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини таълимнинг педагогик технологиялари ёрдамида муаммоларни яратиш, таянч ибораларни ёздириш, жадвалларни чизиш ва мавзунини пухта ўргатиш.

Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирининг муҳим аҳамияти, зарурати ва ўрнини тушунтириш, уларни ўз касбига бўлган ижобий муносабатини шакллантириб бориш.

Шакллантирувчи мақсад: Ўқувчиларни мавзуни мустақил равишда ўрганишга ва мавзу юзасидан яратилган муаммоларни таҳлил этишга тайёрлаш билан уларнинг ечимини топишдаги иқтисодий билимларини шакллантириш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм

Ўқув аудиториясига ўқитувчи кирганидан сўнг ўқувчилар билан саломлашади, ўқувчилар давоматини аниқлайди ва дарс хонасини машғулот ўтишга тайёргарлигини кўздан кечиради.

1. Ўқувчилар давоматини аниқлаш ва махсус журналларга қайд этиш;
2. Мавзу бўйича моддий-техник таъминотнинг мавжудлиги ва тайёрлигини текшириш.

II. Ўтилган олдинги дарсни кейс топшириғи асосида сўраб баҳолаш

1. Талаба мустақил равишда кейс материаллари билан танишади.

Биринчи бочқич

Тақдим этилган топшириқни ўрганади, изоҳлайди ва асослайди: «Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири» мавзусини ўқитувчи томонидан тузиб келинган махсус кейс саволлар орқали ўқувчилардан сўраш:

Муаммо ва муаммо ости муаммоларни ажратади, вазиятни тадқиқ ва таҳлил қилиш усуллари танлайди ва берилган амалий вазиятни таҳлил қилади.

Ажратилган муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди ҳамда таклиф этиладиган қарорни амалга ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиб, кичик гуруҳларда жавоб беришади.

Иккинчи босқич

Кейсни ечиш натижаларини кичик гуруҳлар томонидан тақдимотини ўтказиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади. Бунда талабалар муаммоли вазият ечимининг ўз вариантини тақдим этади, танланган ҳаракатлар йўлини изоҳлайди ва унинг оқилоналигини асослайди. Бундан ташқари талабалар бошқа гуруҳлар қатнашчилари саволларига жавоб беради ва ўз таклифларини аниқлаштиради.

Учинчи босқич

Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, кейс билан биргаликда ишлаши гуруҳ аъзоларининг вазият, асосий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақидаги турли тасавурларини келишиб олишида замин яратади. Ечимнинг таклиф этилган вариантларини муҳокама қиладилар ва баҳолайдилар.

Ўтилган мавзуни ўқувчилардан сўраш муҳим аҳамиятга эга. Мавзуни мустаҳкамлашда ўтилган мавзу қисқа, равшан ва аниқ фактларга таяниб сўраш лозим. Берилган саволларга жавоб берган ўқувчиларни баҳолашда уларни айрим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Бу жиҳатларга ўқувчиларнинг берган жавобларининг тўғрилиги, ўзини тута билиши, тушунтиришдаги нутқига, қизиқишига, ҳатти-ҳаракати ва фанга бўлган муносабатлари киради. Ўқувчиларни баҳолашда имкон қадар юқори балл

қўйиш мақсадга молик. Бу ўқувчининг шу фанга бўлган қизиқишини, ҳурматини оширади ва кўпроқ ўз устида ишлашига олиб келади.

Ўтилган мавзу ўқувчилардан сўралганда ижобий тушунтирилмаган мавзунинг асосий бандларини ўқитувчи такрорлайди, яхши тушунтирилмаган қисмлар ва муаммолар тушунтирилади ва янги мавзуга боғланади.

III. Ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзунини баён этишдан олдин ўқитувчи ўтилган мавзунини такрорлаб, уни янги мавзуга боғлайди. Бу ҳолда ўқувчилар янги мавзунини тез ва осон тушунишлари учун замин яратилади.

IV. Янги мавзунини баён этиш

Янги мавзунини баён этишдан олдин, мавзу доскага ёзиб қўйилади. Мавзу режаларини ҳам доскага ёзиш мақсадга молик. Режалар имкон борича дарснинг охиригача сақланиши лозим.

Мавзуга доир тарқатма материаллар ўқувчилар эътиборига етказилади ва дарс учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади.

Талаба мустақил равишда янги мавзу кейс материаллари билан танишади, тақдим этилган вазиятни ўрганади, изоҳлайди ва асослайди, саволлар билан мурожаат этади, вазиятни таҳлил қилиш усулларини танлайди. Ўқитувчи томонидан берилган муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди ҳамда ишлаб чиқиб жавоб беради.

V. Янги мавзунини мустаҳкамлаш

Дарс охирида ўқувчилар янги ўтилган мавзунини чуқурроқ тушунишлари учун қуйидагилар амалга оширилади: Жамоа билан кейс устидан ишлаш

қуйидаги тартибда амалга оширилади. Гуруҳлар таклиф этган ечимлар вариантлари муҳокамаси ўтказилади ва экспертлар гуруҳи томонидан уларнинг уларнинг ечимлари баҳолаш меъзонларига мувофиқ баҳоланади. Шунингдек таклиф этилган ечимларнинг аниқлиги ва амалга оширилиши мумкинлигига биргаликда (талабалар ва ўқитувчи) баҳо берилиши ҳам мумкин.

Мавзу юзусидан ўқувчиларга савол бериш ва ўтилган дарсни хулосалаб яқунлаш.

VII. Уйга вазифа бериш

1. Ўқувчиларга уйга вазифа беришда дарслик, ўқув қўлланма рўйхати, маъруза матнларининг электрон талқинлари, тарқатма материаллар дискетларда берилиши лозим.

2. Мавзунини ўқиб ўрганиш, конспектлаштириш, чизмаларни чизиш ва мавзуга тааллуқли интернет янгиликларини олиб ўрганиш.

5. Амалий машғулотни ўтказиш методикасининг умумий масалалари

5.1. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари

Амалий машғулот хоналари ўқув фанига мослаб жиҳозланган ва фан бўйича кўргазмали қуроллар, таълимнинг замонавий техник воситалари, хона деразаларини қоронғилатиш мосламалари ва жиҳозлари билан таъминланган бўлиши лозим. Хонани жиҳозлашда ахлоқ – ақидаларга ҳам эътибор берилади.

Фанлардан ўтказиладиган амалий машғулотларига атрофлича тайёргарлик кўрилиши ва ўтказилиши лозим. Баъзи ҳолларда амалий машғулотни назарий дарсга уланиб кетиши мумкин. Амалий машғулотни ўтказишнинг турли қоидалари мавжуд бўлиб, бу бевосита ва билвосита бошқариладиган машғулотлар тўғрисида тўхталамиз.

Бевосита бошқариладиган амалий машғулотда маърузалар, тақдимотлар ва намойишлардан фойдаланилади. Буларга схемалар, видео тасвирлар ва жиҳозларнинг асл нусхалари киради. Яхши ишлаб чиқилган ўқув материални ўқувчилар диққат билан тинглаб, кузатадилар. Агар машғулотлар савол ва жавобларга асосланган ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш тарзида олиб борилса, яхши самара беради.

Билвосита бошқариладиган амалий машғулотни асосан ўқувчиларга йўналтирилган бўлиб, улар тайёрланган топшириқлар воситасида матнли китобларни ўқиш мустақил ўрганиш орқали машғулот олиб бориш, бирор вазиятни ўрганиш, ўқувчининг ўзи мустақил ўрганишига тўртки бериш, билимларни ўзлаштиришга тўртки бериш кабилар киради.

Анъанавий тарзда олиб бориладиган амалий машғулотларда 4...5 ўқувчи тайёрланиб келган материални ўқиб эшиттириш ёки гапириб бериши орқали улар тингланиб баҳоланади. Қолган ўқувчилар фақат тинглайди, бошқача қилиб айтганда улар машғулотда пассив иштирокчи

сифатида машғулотда фикр билдирмайди. Бу эса ўқувчининг келгусидаги дарс машғулотига тайёрланишида салбий таъсирини кўрсатади. Амалий машғулотда доскага чиққан ўқувчи эса келгуси дарсдаги машғулотга тайёргарлик кўрмайди. Чунки бу дарсда олдинги дарсда баҳоланмаган ўқувчилардан сўралиши ҳаммага маълум. Бу каби ташкил этилган дарсларда ўқувчиларнинг амалий машғулотдаги тайёргарлигини бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди. Бу каби салбий ҳолатларни олидини олишда амалий машғулотларини ноанъанавий тарзда олиб борилиши мақсадга молик. Мен амалий машғулотларни ташкил этишда «Мунозара» методини қўллашни таклиф этаяпман. Бунда ўқув аудиториясидаги парталар давра суҳбати кўринишида, яъни доира шаклида қўйилган бўлиб, ўқувчилар бир-бирига юзма-юз ўттирадилар. Амалий машғулотдаги барча топшириқлар уларга олдинги дарсда тарқатма материал кўринишида тарқатилади. Топшириқни бажариб келган ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бунда ўқитувчи пассив иштирокчи сифатида уларнинг дарсдаги фаолиятини кузатади. Улар билдирган фикрлар эътирозсиз қабул қилиниб, ўқитувчи томонидан қайд этиб борилади. Топшириқ сифатида берилган муаммо ечимларини аниқлашда ўқитувчи ўқувчилар-нинг фаоллигини оширишга қаратилган ҳатти-ҳаракатни бажаради, яъни у барча ўқувчиларни берилган топшириқ ечимини ҳал этишдаги фикрларини эшитишга ва уларни баҳолашга ҳаракат қилади.

Амалий машғулотларда ўқувчилар берилган топшириқларни маълум бир босқичда мустақил бажаришлари учун машғулот модели ва технологик карталари тузилади (5.1-жадвал).

5.2. Амалий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси

Мавзу: Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири

Таълим бериш технологияси модели (амалий)

Вақт: 2 соат	Талабалар сони 24 та
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти. 2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг аҳамияти 3. Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжалиқда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили 4. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Шакллантириш, билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
<p style="text-align: center;"><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти бўйича кейс топшириқларини беради</p> <p>Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг аҳамияти бўйича муаммоли вазиятларни баён қилади</p> <p>Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжалиқда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили бўйича тузилган кейс топшириғи саволларини беради</p> <p>Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари кичик гуруҳларда бахс-мунозарани ташкил этади</p>	<p style="text-align: center;"><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <p>Аграр ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти бўйича берилган кейс топшириқларини бажарадилар</p> <p>Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг аҳамияти бўйича муаммоларни изоҳлаб берадилар</p> <p>Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий тавсифи, хўжалиқда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши таҳлили бўйича тузилган тест саволларига жавоб берадилар</p> <p>Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари кичик гуруҳлар фикр билдиради, фаолликни оширадилар</p>
Таълим усуллари	Амалий, кўргазмали ва бошқалар
Таълим шакли	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим воситалари	Маъруза матни, видеопроектор ва дидактик материаллар
Таълим бериш шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқалар.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
I-босқич. Кириш (10 дақ.)	<p>1.4. Амалий машғулот топшириқлари ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради.</p> <p>1.5. Берилган топшириқларни мустақил бажариш бўйича адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>1.6. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
II-босқич. Асосий (60 дақ.)	<p>2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий хужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>2.2. Амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади.</p>	<p>Жавоб берадилар</p> <p>Ёзадилар</p> <p>Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва бошқалар</p>
III- босқич. Яқуний (10 дақ.)	<p>3.1. Амалий машғулот якунида, бажарилган топшириқлар таҳлил қилинади, келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

5.3. Амалий машғулоти ўтказиш методикаси

Мавзу: Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири

Амалий машғулоти ўтказишдан мақсад: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда молиявий маблағларнинг аҳамияти ва тутган ўрни бўйича ўқувчиларга маълумот бериш.

Машғулоти ўтказиш жойи: таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар.

Машғулотнинг тарбиявий мақсади: ўқувчиларда жамоа бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда молиявий маблағларнинг аҳамияти ва тутган ўрни бўйича меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш интизомини таркиб топтириш ва маҳсулотлардан тежамкорлик билан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириб бориш.

Машғулоти учун ажратилган вақт: 4 соат.

Машғулотнинг дидактик ва моддий таъминоти: амалий машғулоти мавзусининг электрон талқини, машғулоти материалига доир тақдимоти слайдалари, кўргазмали қуроқлар, ўқув-услугий кўрсатмалар, тарқатма материаллар, графопроектор, кодопособиялар, компьютер ва проектор, мавзу юзасидан фойдаланиш учун адабиётлар, китоб жавонлари, интернет ва ахборот ресурслари маркази электрон кутубхонаси тармоғига уланган компьютерлар ва бошқа дидактик материаллар.

I. Ташкилий қисм

Ўқувчилар билан саломлашиш, уларнинг машғулотига тайёргарлигини, хонанинг мавзуга доир моддий таъминотини кўздан кечириш, ўқувчилар давоматини аниқлаш ва қайд этиш.

II. Ўқувчиларни амалий машғулот номи ва мақсади билан таништириш (тайёрлов босқичи)

1. Ўқувчиларга амалий машғулотнинг мавзу ва мақсади тушунтирилади. Уларга 4 соатлик амалий машғулот давомида “қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда молиявий маблағларнинг аҳамияти ва тутган ўрни” мавзусини ўрганишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» методидан фойдаланиш тартиблари тушунтирилади.

2. Ўқувчиларнинг назарий билимларини текшириш. Инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлиги бўйича ўқувчилар билимини аниқлаш мақсадида уларга қуйидаги саволларни бериши мумкин:

3. Машғулот топшириғини бажариш тартиби. Амалий машғулот топшириғи тарқатма материалларда баён этилиб уларга тарқатилган ва унда қўйилган муаммо ечимини аниқлашда зарурий манбалар келтирилган бўлиши лозим. Ўқувчиларга машғулот топшириғини бажаришда зарурий манбалардан фойдаланиш йўллари ва топшириқларни бажариш кетма-кетлиги тушунтирилади.

4. Ўқувчиларга амалий машғулот топшириғини маълум бир кетма-кетликда бажаришлари учун инструкцион-технологик карталар берилди. Унда иш босқичлари ва мазмуни, топшириқларни бажаришдаги ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятлари келтирилган бўлади.

III. Амалий машғулот топшириғини ўқувчиларнинг мустақил бажаришлари (амалга ошириш)

1. Ўқитувчи ўқувчиларга амалий машғулот топшириқларини бажариш бўйича зарурий маълумотлар берилди. Бунда ўқитувчи берилган топшириқлар бўйича муаммоли вазиятни вужудга келтиради. «Кичик гуруҳда ишлаш» усули мақсадни амалга ошириш воситаси эканлигини тушунтиради. Берилган муаммони баён этиш орқали муаммо ечимини излаш

тўғрисида буйруқ берилади. Ўқитувчи машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундайди, улар томонидан кутилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиши лозим.

2. Тарқатма материалларда берилган муаммо ечиш йўлларини жамоавий муҳокамада изланади, ечимлар эътирозсиз қайд этилади. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдириладиган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантириб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги – янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.

Бу тарзда билдирилган фикр ва ғоялар кичик гуруҳ ва жамоада таҳлил этилади ва аниқланган ечимларнинг мақсадга мослиги асосланади.

IV. Ўқувчилар томонидан билдириладиган фикр ва ғояларни тинглаш (ғояларни киритиш)

1. Машғулотда маъқул деб топилган фикр ва ғоялар «Кичик гуруҳда ишлаш» методида баён этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя) ларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

2. Бунда ўқитувчи ғояларни магнитофон ёки видеолентага, қоғоз варағига ёки доскага ёзиб олишни ташкил қилади.

3. Янги ғояларни билдириш давом этар экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик лозим.

4. Билдирилган фикрларни янги ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш ҳамда билдирилган фикрлар устидан кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик лозим.

5. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикр ва ғояларни баҳоланишига йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя) лари баҳоланиб бориладиган

бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга каратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар.

Мазкур методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

V. Гуруҳ жамоаси билдирган фикр ва ғояларни таҳлил этиш

1. Ўқитувчи таклиф қилинган баҳолаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ғояларни таҳлил қилишни ташкил қилади. Бунда ўқитувчи машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилади. Муаммо ечимининг ягона тўғри жавоби эълон қилинади, уни мақсадга мослиги асосланади ҳамда тўғри жавоб муаллифи рағбатлантирилади.

V. Яқун ясаш ва баҳолаш

Ўқитувчи ўқувчилар фаолиятига яқун ясайди, таҳлил қилади ва ўқувчиларни баҳолайди ҳамда баҳолар эълон қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишида “Аграр ислохотларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсири” мавзусини кейс таълим технологияси асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди. Бунда коллеж дарс машғулотларини ахборот технологиялари ва кейс таълим технологиялари асосида ташкил этишнинг назарий асослари мавзуга мос тарзда яратилди.

1. Кейс-таълим технологиясини ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейслар ўз мазмунига қараб- микрокейс, миникейс ва умумий кейсларга, мақсади бўйича тактик ва стратегик кейслар каби турларга бўлинади.

2. Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш талабаларда қуйидаги зарурий сифатларни шакллантиради: критик фикрлаш қобилиятини ривожлантиради; ҳаққоний (объектив) бўлишга ўргатади; назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради; муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради; вазиятларни ҳал этишда, унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради; бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради; савол бериш маданиятини ўргатади; қабул қилинган қарор учун масъуллик ҳиссини тарбиялайди.

4. Кейс таълим технологияларида фаол ўқитиш методларидан дарснинг хар хил босқичларида: билимларни дастлабки урганишда, мустахкамлаш ва такомиллаштиришда, куникма, малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ўқувчиларнинг фаолгини ошириб, ўтилаётган материал пухта ўзлаштирилишига, узоқ вақт хотирасида сақланишига, идрок қилиш вақтини қисқартиришга замин яратилади.

5. Кейс таълим технологиясини қўллашнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараёни такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, ўқувчининг мустақиллигини таъминлаш билан бирга, уларнинг кейинги фаолиятларида

педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш малакалари шакллантирилади.

6. Ўқитишнинг ноанъанавий технологияси айниқса кадрларни интеграллаштирилган курслар асосида касбий таёрлашда самарали бўлади. Бундан кадрларни кишлок хужалик машиналари ва ремонт, трактор ва автомобиллар фанлари бўйича тайёрлашда фойдаланилса дастурда белгиланган ракобатбордош кадрлар салохиятини оширишда замин яратилади.

7. Жаҳон педагогикасида кенг миқёсда самарали қўлланаётган кейслардан фойдаланиш - биринчидан талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, иккинчидан ўқув жараёнини бевосита ишлаб чиқариш (бизнинг мисолимизда касб-хунар коллежларидаги таълим жараёни) билан боғлайди.

8. Фермер хўжаликларида фермер ягона мулк эгаси бўлиб умумий мулкчиликдан хусусий мулкчиликка, умумий жавобгарликдан шахсий жавобгарликка ўтиш натижасида фермерларда маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқа турдаги корхоналарга қараганда афзал эканлигини кўрсатади. Фермер хўжаликлари ривожланиши билан биргаликда маълум бир ютуқлар билан бир қаторда муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Келажакда бу муаммоларнинг ҳал қилиниши фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини оширишни кафолатлайди. Бу муаммолар фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришига салбий таъсир қилиб, хўжаликнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Булар:

9. Фермер хўжаликларининг раҳбарлари бозор иқтисодиёти қонунларини яхши англаб етишмаяпти. Фермер хўжаликларда қандай маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак, кимга ишлаб чиқариш керак, қачон ишлаб чиқариш керак деган саволларга жавоб изланмаяпти. Фермерлар юқоридаги саволлардан келиб чиқиб, шартнома орқали ва бозор талабларини ҳисобга олиб ўз фаолиятларини давом эттиришлари керак. Бу тушунчаларни кўпчилик фермерлар яхши билмайдилар ва ҳеч нарсага қарамай маҳсулот

етиштирадилар. Натижада айрим йилларда маълум бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифи талабдан ошиб кетмоқда. Фермерлар етиштирган маҳсулотларнинг бозордаги баҳоси тушиб кетиб, ўз таннархини қопламай қолмоқда. Шу сабабли фермерлар кўпроқ шартнома тузишни йўлга қўйиш керак, шундагина етиштириладиган маҳсулотга талаб борлигига ишонч қаноқлангани ва режалаштирилган фойда олиниди.

10. Кўпчилик фермерлар етарли ҳуқуқий ва иқтисодий билимга эга эмаслар. Қабул қилинаётган қарорларга, Президент фармонларига, қонун ўзгаришларига эътиборсиз қарашмоқда, ўз ҳуқуқларининг поймол бўлаётганлигини сезишмайди.

11. Қишлоқ хўжалигига сервис хизматини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ўз зиммаларига олган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ бажариб беришмаяпти. Зарур бўлган воситалар фермернинг даласигача етказиб берилмаяпти. Бундай тартибда иш кўриш фермерларнинг вақтини ва маблағларини беҳуда сарф бўлишига олиб келмоқда.

12. Фермер хўжаликларида сотиладиган минерал ўғитлар, кимёвий воситалар ва ёқилғи мойлаш материаллари нархи жуда қимматлашиб бормоқда. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи, уларга давлат белгилаган баҳоларга қараганда тезроқ ўсмоқда. Натижада фойда олиш имкониятлари қисқармоқда. Тупроқ унумдорлигини тиклаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, айниқса маҳсулот сифатини яхшилашда маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти беқиёс.

13. Тупроққа қанча кўп миқдорда гўнг солинса, чириши натижасида шунча кўп углерод ажралиб чиқади ва ўсимликнинг ҳаводан озиқланиш жараёнини қулай ҳолатга келтиради. Тупроққа 20—30 т ярим чириган гўнг солинганда, ҳар куни ажралиб чиқадиган углерод миқдори гўнг солинмаган далага нисбатан гектарига 100—150 кг. га кўпаяди. Маҳаллий ўғитларнинг асосини қорамол гўнги ташкил қилади ҳамда уни ишлатиш жуда катта аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан жойларда жуда оз миқдорда тўпланмоқда. Бу тақчиликнинг ўрнини тўлдириш учун эса экинларни

навбатлаб экиш билан бирга маҳаллий ўғитлар (қорамол ва от гўнги, гидрозли лигнин, парранда қийи, шахар чиқинди қолдиқлари, дарахт барглари, хазон ва бошқа чиқиндилар) дан самарали фойдаланиш билан бир қаторда табиий захиралари мавжуд бойитилган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агрорудалар (бентонит, бентонитсимон лой, глауконит ва бошқалар) дан органико-маъдан компостлар тайёрлаш орқали камайтириш мумкин. Таъкидлаш керакки, жойларда маҳаллий ўғитларни сақлаш, компост тайёрлаш ва ерга солишда камчиликлар мавжуд. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун органико-маъдан компостларни тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар томонидан берилган тавсияларга қатъий амал қилиш керак.

14. Ер майдонларининг мелиоратив ҳолати бузилиб кетиши, тупроқ эрозияси ва шўрланиш даражаси ортиб бормоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг аралашуви зарур. Чунки хўжаликларда олинаётган фойда миқдори муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини бермайди.

15. Сувдан ва ердан фойдаланишнинг оддий қоидаларига риоя қилинмаяпти. Кўпчилик хўжаликларда экин майдонининг етарли даражада текисланмаганлиги, далаларни тўлиқ суғоришга салбий таъсирини ўтказмоқда. Сув чиқмаган ерлардан ҳосил олинмаяпти. Суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланадиган барча давлатларда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш долзарб вазифалардан бири саналади.

16. Фермер хўжаликларида экстенсив усулдан кўра, интенсив усулда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш лозим. Чекланган имкониятлар доирасида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш бугунги кундаги ва истиқболдаги вазифадир. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари экстенсив усулда фаолият кўрсатаётганликлари учун қилинган харажатларини қоплашмоқда. Эндиликдаги интенсив усулга ўтиш даврида фермер хўжаликлари ўз тажрибаларида интенсив усул қанақа бўлишини билмасалари қийин аҳволга тушадилар. Шу боисдан фермер

хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, ҳосилдорлик даражасини кўтариб интенсив усулга ўтишлари керак.

17. Фермернинг фойдалилик даражаси ҳақидаги фикрни ўзгартириш керак. Ҳозирги кунда 100 сўм харажат ҳисобига 30 сўм фойда олиш етарли натижа эмас. Келажакда фермер хўжаликлари сарфлаётган ҳар 100 сўми ҳисобига камида 50-70 сўм фойда олиш ҳақида ўйлашлари лозим. Шундагина қишлоқ хўжалигига қайта ишлаш саноатини олиб кириш имконияти яратилади. Акс ҳолда кам фойда ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишловчи самарали технологияни олиб кириш мумкин бўлмайди.

Битирув малакавий ишда қуйидаги таклифларни бераман:

- кейс таълим технологиясида ўқувчиларни дастур орқали аудио-видео ахборот материалларини бериш, маърузалар ўқиш, назорат қилиш учун боғланиш каналари ишини ва ўқувчилар материални такрорий мустақил ўрганишлари учун дарс сценарийларини ва маъруза машғулотининг технологик хариталарини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

- масофадан видеоконференция тизимини қўллаш ёрдамида интерактив ўқув дарсларини олиб бориш режалари электрон доскада намойиш этиш орқали матнли ахборот алмашиниш ва файллар алмашиш имкони яратилади. Ташқи электрон доска қўллашда ўқитувчи доскага ёзади ва бу видеоконференция алоқа каналлари кўмагида бошқа аудитория тингловчиларига намойиш этиш имкониятини яратади.

- коллеж ўқув аудиторияларини масофавий таълимни ташкил этиш учун электрон доскалар билан жиҳозлаш лозим. Бу бошқа аудитория фойдаланувчилари (ўқувчи ёки талабалар) бир хил фойдаланишлари, яъни ўқитувчи ёзган ёки чизган доскадаги материаллар бошқа аудитория электрон доскаларига синхрон тарзда узатилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”, Халқ сўзи, 2015 йил 20 январь.
2. И.А.Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. “Халқ сўзи” 15.02.2002 йил
3. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Туркистон, 2010 йил 30 январь.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1998йил 30-апрел 598 рақамли “Ер кодекси” Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, 1993йил 06 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2000йил 31 август 116-11 рақамли “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни
7. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Маърузалар матни ТДИУ, 2010 й
8. Зиёвуддинов Ш. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тошкент 2004 й
9. Салимов Б, Абдуғаниев А, Юсупов М. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2007 й

10. Зоҳидов Г.Э, Муродов Ж.Ч. Иқтисодий ва модернизация қилиш шароитида аграр секторни барқарор ривожлантириш ва таркибий тузилишини такомиллаштириш. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2007
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5-январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
12. А.И. Икромов. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари мавзусидаги семинар тренинг материаллари. Тошкент, 2008 й.
13. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Тошкент, «Фан», 2005 й.
14. Р. Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. Тошкент, Ўқитувчи, 2001 й.
15. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика (маърузалар матни). Тошкент, 2000 й.
16. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи-Т. : 2002, 2004.
17. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000 й.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли Қарори.
19. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти. Халқ таълими журнали. 1999 й., №5
20. А.Х. Абдуллаев, З.Дехкамбаева «Ўрта махсус, касб ҳунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. –Т: 2001 й.
21. С.Р.Шойқулов ва бошқалар. «Ҳисоблаш техникаси ва таълимнинг техник воситалари». Тошкент. «Ўқитувчи», 1995 й.
22. Хўжаев Н. Хасанов Ж. Иқтисодий педагогика. Тошкент, 2002.
23. Ғулломов С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент, Меҳнат, 1997.

24. Р.Ҳақимов ва бошқ., «Агросаноат мажмуи иқтисоди», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004

25. Б.Ҳодиев ва бошқ., «Кичик тадбиркорликда маркетинг», Т.:Консаудитинформнашр, 2004

ИНТЕРНЕТ сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти: <http://www.agro.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот агентлигининг расмий сайти: <http://www.uza.uz>

3. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси расмий сайти: <http://www.natlib.uz>

www.iet.ru/mipt/2/text/curs_micro_lect.htm

4. http://www.nes.ru/Acad_year_2001/Micro2-rus.

5. <http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/program/4.htm>

6. www.economics.ru